

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **40-41-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(332-333)**
ТЎПЛАМИ **2008 й.**
сентябрь-
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

406. «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 сентябрдаги ўРҚ–184-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

407. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 сентябрдаги ПҚ–968-сон қарори

408. «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги ПҚ–969-сон қарори

409. «Пахта-банк» ва «Фалла-банк» акциядорлик-тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 октябрдаги ПҚ–975-сон қарори

410. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 9 октябрдаги ПҚ-977-сон қарори

Учинчи бўлим

411. «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари комплекси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 сентябрдаги 219-сон қарори
412. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ-163-сон Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 октябрдаги 221-сон қарори
413. ««Гурлан» акциядорлик жамияти базасидаги «MURUVVAT-TEKS» хорижий шўъба корхонасининг ўз эҳтиёжлари учун четдан келтирилган ва божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ҳамда технологик жиҳозлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 9 октябрдаги 223-сон қарори

Бешинчи бўлим

414. «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар бази-си ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 27 сентябрда 1863-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
415. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромлари-ни сертификатлаш қоидалари (ЎзР АҚ-160)га ўзгартириш ва қўшимчалар ки-ритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 3 сентябрдаги 188-сон-ли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 7 октябрда 1734-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
416. «Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжат-ларни бузганликлари учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нис-батан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 20 сентябрдаги 21/5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Ад-лия вазирлиги томонидан 2008 йил 7 октябрда 622-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
417. «Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга «Тош-кент» Республика фонд биржасининг махсус савдо майдончаси орқали эркин алмаштириладиган валютага сотиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, «Тошкент» Республика фонд

биржасининг 2008 йил 25 сентябрдаги 01/23-18/15, 98, 19/4, 01/02-631-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 7 октябрда 583-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

418. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 11 сентябрдаги 193-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 октябрда 1349-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

419. «Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг 2008 йил 9 сентябрдаги 168-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 октябрда 1864-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 27 сентябрдан 10 октябргача бўлган маълумот

Тузатиш

+

-

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

406 Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 12 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **192¹-модда** билан тўлдирилсин:

«192¹-модда. Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза

Ишда иштирок этувчи шахслар назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризани ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларга беришга ҳақли.

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза мазмунан ушбу Кодекс 177-моддасининг биринчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Аризага суднинг ҳал қилув қарори нусхаси, агар иш апелляция, кассация тартибида ҳам кўриб чиқилган бўлса, апелляция, кассация инстанцияси судларининг қарорлари нусхалари ҳам илова қилинади.

Ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига риоя қилинмаган тақдирда назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза қайтарилади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилмайди.

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинмаган ва текшириладиган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак.

Протест келтириш учун асослар бўлмаганда ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим»;

2) **197-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

«197-модда. Протест келтириш

Протест келтириш учун асослар мавжуд бўлганда ушбу Кодекснинг 193-модда-сида кўрсатилган мансабдор шахс протест келтиради ва уни иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раёсатига юборади.

Протестнинг мазмуни ушбу Кодекс 177-моддасининг биринчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Протест келтирган мансабдор шахс уни протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунига қадар ўзгартириш, тўлдириш ёки чақириб олишга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар протест тўлдирилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки чақириб олинганлиги тўғрисида хабардор қилинади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 сентябрь,
ЎРҚ-184-сон

+

-

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****407 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳуж-
жатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 174-сонли қарори қабул қилиниши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 сентябрь,
ПҚ-968-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2008 йил 29 сентябрдаги
ПҚ-968-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Темир-терсак, қора ва рангли металллар чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 19 декабрдаги Ф-2400-сон фармойиши иловасининг учинчи хатбошидаги «Д. Қурбонов» ва «Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари Ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари тегишли равишда «лавозими бўйича» ва «Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари Ахборот-таҳлил департаментининг» сўзларига алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2006 йил 21 июлдаги ПҚ-423-сон қарорининг 2-илласида:

ўн биринчи хатбошидаги «Р.М. Мамадалиев» ва «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари Ахборот-таҳлил департаментининг»

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

сўзлари тегишли равишда «лавозими бўйича» ва «Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари Ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «С.С. Бадалов» ва «Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари Ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари тегишли равишда «лавозими бўйича» ва «Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, махсулотни стандартлаштириш масалалари Ахборот-таҳлил департаментининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

408 Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастури тўғрисида

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қўйидагилар тасдиқлансин:

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2009 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 3-иловага* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2009 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 4-иловага* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2009 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ҳамда Саудия тараққиёт фонди ва ОПЕК фондининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан 2009 йилда қуриладиган умумтаълим мактабларининг аниқ манзилли рўйхати 5 ва 5а-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда 2009 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 6-иловага* мувофиқ;

Суғуриладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондининг маблағ-

* 1 — 6-иловалар берилмайди.

лари ҳисобидан 2009 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 7-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2009 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 8-иловага* мувофиқ.

3. Қўйидагилар маъқуллансин:

корхоналарнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича 2009 йилги қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхати 9-иловага* мувофиқ;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2009 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 10-иловага* мувофиқ;

2009 йилда якунига етказилиши зарур бўлган истиқболли инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати 11-иловага* мувофиқ.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, буюртмачи вазирликлар ва идоралар:

ўн кун муддатда давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси ва Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2009 йилги қурилишларнинг дастлабки аниқ манзилли рўйхатини келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этсин;

2008 йилнинг 25 октябригача Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда 2009 йилда қурилиши янгидан бошланадиган, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича танлов савдоларини ўтказишни таъминласин;

танлов савдоларининг натижалари тасдиқлангандан сўнг йигирма кун муддатда янгидан бошланадиган объектлар бўйича пудрат шартномалари тузилишини таъминласин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органларига, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкларга молиялашни очиш мақсадида тақдим қилиш учун қурилишларнинг титул рўйхатларини тасдиқласин.

2008 йилнинг 15 ноябригача давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2009 йилги қурилишларнинг узил-кесил аниқ манзилли рўйхатини келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этсин;

2008 йилнинг 10 декабригача корхоналарнинг шахсий маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2009 йилги лойиҳаларни амалга оширишнинг белгиланган тартибда тасдиқланган тармоқли жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этсин.

5. Вазирликлар ва идоралар — халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг қарз маблағларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг буюртмачилари 2008 йилнинг 15 декабригача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда вакил банклар билан биргаликда қарз битимларининг кучга кириши бўйича чора-тадбирларни якунига етказсин.

* 7 — 11-иловалар берилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзинфоинвест» агентлиги 11-иловага киритилган инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари билан биргаликда уларни амалга ошириш мақсадида батафсил ишлаб чиқилишини таъминласин. Мазкур масала бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этиб турсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳар чорак якунлари бўйича 2009 йилги Инвестиция дастури бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама қилиш учун ахборот-таҳлилларини тақдим этиб борсин.

8. Қуйидагиларга:

хорижий сармоялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қўшма тақдимномаси бўйича 2009 йил мобайнида тасдиқланган Инвестиция дастурининг умумий параметрлари доирасида инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастурига ва айрим буюртмачилар бўйича капитал маблағлар лимитларига аниқликлар киритиш, шу жумладан истиқболли инвестиция таклифларини йиғма рўйхатдан дастурнинг аниқ манзилли қисмига ўтказиш ҳуқуқи;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўтказилган танлов савдолари ҳамда айрим қурилишлар ва объектлар бўйича маблағларни амалда ўзлаштириш натижаларига кўра тасдиқланган лимитлар доирасида буюртмачилар қурилишларининг аниқ манзилли рўйхатиغا ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати ҳамда инвестиция лойиҳалари амалга ошириладиган бутун давр мобайнида марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан назоратни таъминласин.

Олиб бориладиган ишларнинг натижалари тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган капитал қурилишда нархларнинг шакллантирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 2 октябрь,
ПҚ-969-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**409 «Пахта-банк» ва «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат
банкларининг инвестициявий фаоллигини янада
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда банк тизими ролини янада ошириш, иқтисодийнинг аграр сектори ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик янгилаш учун «Пахта-банк» ҳамда «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банкларининг янги инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек иқтисодийни ҳар томонлама чуқур ривожлантиришда, базавий инфратузилмани шакллантириш ҳамда экспорт салоҳиятини изчил юксалтириб боришда банклар иштироки самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар «Пахта-банк» ҳамда «Ғалла-банк»нинг инвестиция фаолияти соҳасидаги энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик янгилашга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсатни амалга ошириш, замонавий хорижий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш, шу асосда юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқишни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор бойитиш;

банкларнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш ва улардан, шунингдек инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун самарали фойдаланиш, қўйилган маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариб олишни таъминлаш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ташқи ва ички бозорларда сотиш истикболларини чуқур таҳлил этиш асосида инвестициявий лойиҳаларни танлаб олиш, комплекс баҳолаш ва экспертиза қилиш механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг техник ҳамда технологик даражаси оширилишини таъминлаш, лойиҳаларнинг амалга оширилишидан кўриладиган молиявий фойдани прогностлаш;

зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарда кризисли бошқаруving замонавий усул ва механизмларини жорий қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш ҳамда модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этган ҳолда уларни молиявий соғломлаштириш ва кейинчалик стратегик инвесторларга сотиш;

қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарга кенг кўламда банк ва консалтинг хизматлари кўрсатиш, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, кўргазмалар, ярмаркалар ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташқи ва ички бозорларга олиб чиқишнинг бошқа шакллари ташкил қилишда кўмаклашиш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш;

инвестициявий лойиҳаларни танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк ходимларини тизимли асосда қайта тайёрлаш ҳамда малакаси оширилишини ташкил этиш, банкларни юқори малакали, ташаббускор, банкларнинг инвестициявий фаолиятини авж олдириш вазифаларини самарали ечиш қобилиятига эга раҳбарлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлаш.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Пахта-банк» ҳамда «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банклари акциядорларининг умумий йиғилишлари томонидан:

«Пахта-банк» акциядорлик-тижорат банки — банкнинг устав капитали миқдорини 100 млрд. сўмга етказган ҳолда жами 50 млрд. сўмлик;

«Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банки — банкнинг устав капитали миқдорини 50 млрд. сўмга етказган ҳолда жами 36 млрд. сўмлик қўшимча акцияларни эмиссия қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Пахта-банк» ва «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банкларининг 2008-2009 йилларда «Пахта-банк» ҳамда «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банклари акцияларини 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ ҳажмларда қўшимча жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 8 октябрь,
ПҚ-975-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

410 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси олдидаги давлат қарзини реструктуризация қилиш тўғрисида 2003 йил 2 июлдаги Битим юзасидан 2008 йил 15 январь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Протокол тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 9 октябрь,
ПҚ-977-сон

—

+

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING QARORI

411 Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари комплекси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида» 2008 йил 1 майдаги ПФ–3994-сон Фармони бажариш юзасидан ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2008 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Котибиятига (кейинги ўринларда «Вакил Котибияти» деб аталади) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказга (кейинги ўринларда «Марказ» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ушбу қарорга иловага киритилган зарур замонавий офис мебели, автотранспорт, компьютер техникаси, дастурий воситалар ва бошқа моддий-техника воситалари сотиб олиш учун белгиланган тартибда маблағ ажратсин;

2008 йил октябрь ойидан бошлаб Давлат бюджетидан Вакилнинг, унинг Котибиятининг жорий таъминоти, босма материаллар чиқариш, ахборот нашрлари ва адабиётларга обуна бўлиш, халқаро Омбудсман институтларига аъзолик бадаллари тўлаш, Вакил ва унинг Котибияти ходимларининг халқаро форумлар ишида қатнашиши учун ҳар йили маблағлар ажратилишини, шунингдек автомобилларни сақлашга лимитлар ажратилишини назарда тутсин.

3. Вакил Котибияти Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон шох кўчаси, 16 «А»-уйдаги маъмурий бинога жойлаштирилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқ Вакилнинг Котибияти учун ажратилган хоналар белгиланган тартибда таъмирланишини таъминласин.

4. Вакил Котибияти ва Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир нусхада мажбурий юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Вакил Котибиятини ва Марказни босма ва китоб маҳсулотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва тарихий нашрлар)нинг назорат нусхаларини (1 нусха) бепул оладиган ташкилотлар рўйха-

* Илова берилмайди.

тига киритсин ҳамда Вакил ва Марказнинг буюртманомалари бўйича ахборот-таҳлилий ва илмий маҳсулотлар нашр этилишига қўмаклашсин.

6. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

бир ой муддатда Вакил Котибиятини белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан Ҳукумат алоқа воситалари, шунингдек Интернет тармоғи билан таъминласин;

Вакил Котибияти ва Марказ билан биргаликда 2008 йил 1 ноябргача Интернет тармоғида уларнинг веб-сайтларини ишлаб чиқсин ва узлуксиз ишлашини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 30 сентябрь,
219-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

412 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ–163-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ–163-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 2 октябрь,
221-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 2 октябрдаги 221-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент» республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қийматли қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 8 июндаги 285-сон қарорига:

- а) қарорнинг 1-банди ва қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) 3-бандда:

«очик турдаги акционерлик жамияти» сўзлари «очик акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

«унинг зиммасига қийматли қоғозларни рўйхатга олиш, сақлаш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш вазифасини юклаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

- в) 6-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

- г) 2-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу Низом «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаро қонунчилигида назарда тутилган фуқаролик-ҳуқуқий битишувларни амалга ошириш қоидаларини сақлаб қолган ҳолда қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ битишувларни амалга ошириш қоидаларини белгилайди».

2-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

5-банддаги «инвестиция идоралари» ва «профессионал воситачиларнинг» сўзлари тегишли равишда «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» ва «инвестиция воситачиларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Қимматли қоғозлар харид қилиш ва (ёки) сотиш нархини оммавий эълон қилиш йўли билан ўз номидан ва ўз ҳисобидан қимматли қоғозлар олди-сотди битишувини содир этадиган дилер олдиндан эълон қилинган охириги қатъий (қатъий белгиланган) нархларга ва қимматли қоғозлар сонига аниқ мувофиқ унга қимматли қоғозлар харид қилиш ёки сотиш тўғрисидаги таклифлар билан мурожаат қилган шахслар билан битим тузиши ва бундай битишувлар тузишдан бош тортмаслиги шарт».

Дилер қимматли қоғозлар олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартларини оммавий эълон қилиш ҳуқуқига эга. Булар: харид қилинадиган ва (ёки) сотиладиган қимматли қоғозларнинг энг кам ва энг кўп сони, шунингдек эълон қилинадиган нархлар амал қиладиган муддат. Ушбу эълонда қимматли қоғозлар олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартларига кўрсатма мавжуд бўлмаган тақдирда, дилер унга мижоз томонидан таклиф қилинган муҳим шартларда шартнома тузишга мажбур. Дилер қимматли қоғозлар олди-сотди шартномасини тузишдан бош тортган тақдирда унга нисбатан бундай шартномани мажбурий тузиш ва (ёки) мижозга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этилиши мумкин»;

7-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Брокер қимматли қоғозлар билан битишувларни содир этишда мижозларнинг топшириғига кўра қуйидагиларга мажбур»;

«б» кичик банддаги «қимматли қоғозлар бозори қатнашчиси (инвестиция институти)» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банддаги «активларини» сўзи «пул маблағларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

бандга қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд қўшилсин:

«д) ҳар бир мижознинг пул маблағлари ҳисобини юритишга, қимматли қоғозлар билан битишувлар ва операцияларни фақат мижознинг топшириғи бўйича ва улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширишга, содир этилган битишувлар ва операциялар тўғрисида мижоз олдида ҳисобот беришга мажбурдирлар»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Мижозларнинг битишувлар содир этиш учун брокерга берилган қимматли қоғозлари ва пул маблағлари, шунингдек мижозлар билан тузилган шартномалар асосида брокер томонидан содир этилган битишувлар бўйича олинган қимматли қоғозлар ва пул маблағлари брокер томонидан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ва тегишли равишда банкда очиладиган алоҳида ҳисоб рақамида (ҳисоб рақамларида) туриши керак.

Агар бу мижоз билан тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, брокер мижозга унинг топшириқларини кўрсатиб ўтилган пул маблағлари ҳисобига бажаришни ёки мижознинг талабига кўра уларни қайтаришни кафолатлаб унга мижоз томонидан берилган пул маблағларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳақлидир.

— Пул маблағларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқини брокерга берган мижозларнинг пул маблағлари брокерга бундай ҳуқуқни бермаган мижозларнинг пул маблағлари турган ҳисоб рақами (ҳисоб рақамлари)дан алоҳида ҳисоб рақамида (ҳисоб рақамларида) туриши керак. Брокер ўз пул маблағларини ушбу ҳисоб рақамига (ҳисоб рақамларига) қўйишга ҳақли эмас, улар мижозларга қайтарилиши ва (ёки) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мижозларга қарз берилиши ҳоллари бундан мустасно»;

8-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи масалалари, қимматли қоғозлар бозори ва унинг иштирокчилари ҳолати таҳлили ва прогнози бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатадиган, шунингдек қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлайдиган инвестиция маслаҳатчиси қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича инвестиция тавсияларини беришда қуйидагиларга мажбур»;

9-бандда:

биринчи хатбошидан «(инвестиция институти)» сўзлари чиқариб ташлансин;

«а» кичик банддан «тури» ва «қийматли қоғозлар бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин;

«в» кичик банддаги «қийматли қоғозлар бўйича» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорида» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ахборотни ҳам очиши шарт»;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари фақат қонун

+

ҳужжатларида белгиланган шаклда тузилган воситачилик шартномалари ёки қимматли қоғозлар билан битишувлар содир этишга топшириқ ёхуд ишончнома асосида миждозлар ҳисобига уларда кўрсатилган барча шартларга аниқ мувофиқ равишда уларни бажариш мобайнида миждоз битишувларни тузиш мумкин деб ҳисоблайдиган барча зарур шартларга мувофиқ равишда битишувлар тузишлари мумкин.

Миждоз шартнома бажарилгунга қадар унинг амал қилишини бир томонлама тўхтатиш ҳуқуқига эга. Худди шундай ҳуқуққа топшириқ шартномаси бўйича ишончли вакил ва воситачилик шартномаси бўйича комисионер ҳам эга»;

11-банднинг олтинчи хатбошидаги «қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги» сўзлари «қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг биринчи хатбошидан «(инвестиция идоралари)» сўзлари чиқариб ташлансин;

15-банднинг биринчи хатбошида:

рус тилидаги матнда «кредит» сўзи «займ» сўзи билан алмаштирилган;

«(унинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган тақдирда)» сўзлари чиқариб ташлансин;

рус тилидаги матнда 16-банддаги «кредит» сўзи «займ» сўзи билан алмаштирилган;

18-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Қимматли қоғозлар билан битишувларни рўйхатдан ўтказиш:

савдо майдончаларида содир этилган битишувлар бўйича — қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдо ташкилотчилари, бошқа биржаларнинг фондли бўлимлари томонидан;

қимматли қоғозларнинг бошқа битишувлари бўйича — қимматли қоғозларни бегоналаштирувчига хизмат кўрсатадиган депозитарийлар томонидан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар билан биржа ва биржадан ташқари савдо ташкилотчиларининг савдо майдончаларида фақат қимматли қоғозлар ва уларнинг ҳосилалари олди-сотдиси бўйича битишувлар содир этилиши ва рўйхатдан ўтказилиши мумкин»;

19-банддаги «ва давлат рўйхатидан ўтказиш номерини олган» сўзлари «агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банддаги «органлар» сўзи «ташкилотлар» сўзи билан алмаштирилсин;

23-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Рўйхатдан ўтказиш шарт бўлган битишув қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун ҳар иккала тараф ёхуд битишув тарафи ёки уларнинг ваколатли вакиллари томонидан тақдим этилади»;

24-банддаги «шаклдаги» сўзи «қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-бандда:

«рўйхатдан ўтказувчи орган» сўзлари «рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи ташкилот» сўзлари билан алмаштирилсин;

«рўйхатдан ўтказувчининг имзоси билан тасдиқланади ҳамда унга рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри қўйилади» сўзлари «имзо билан тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи ташкилотнинг муҳри қўйилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

V бўлим ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

31-бандда:

«мазкур Низом» сўзлари «қонун ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;
«инвестиция институтлари» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-бандда:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки бўлмаса лицензия берган бошқа орган қийматли қоғозлар бўйича фаолият кўрсатиш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиши ва уни қайтариб олиши мумкин» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни қўллаши мумкин» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 3-сон, 11-модда):

а) 3-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий бошқармалар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига (кейинги ўринларда «Марказ» деб аталади) ва давлат мулкини бошқариш бўйича ҳудудий органларга бўйсунди»;

иккинчи хатбошидаги «Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлимлари» сўзлари «Марказнинг бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Белгилаб қўйилсинки, Марказнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари жорий фаолиятини молиялаштириш республика бюджети ҳисобига амалга оширилади»;

в) 7-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази аппаратини ва унинг ҳудудий бўлимларини» сўзлари «Марказнинг марказий аппаратини ва унинг ҳудудий бошқармаларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) 8-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг ҳудудий бўлимлари (бўлимлари)» сўзлари «Марказнинг бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 9-бандда:

«Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг» сўзлари «Марказнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

«Правда Востока» сўзлари «Бухоро» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 3-иловада:

5-бандда:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни лицензиялаш»;

тўртинчи — тўққизинчи хатбоши тегишли равишда бешинчи — ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат бошқаруви органлари, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган ҳолларда улар бўйича ижро этиш мажбурий бўлган хулосалар ва кўрсатмалар бериш, қонунни бузувчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ санкциялар қўллаш»;

еттинчи хатбошидаги «инвесторларнинг» сўзидан кейин «шунингдек қимматли қоғозлар эгаларининг» сўзлари қўшилсин;

6-бандда:

еттинчи ва ўн тўртинчи хатбошидаги «инвестиция институтлари» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидан «ва мансабдор шахсларга» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн тўққизинчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«эмиссияли қимматли қоғозларни (давлат қимматли қоғозларидан ташқари) муомалага чиқариш қоидаларини, қимматли қоғозлар билан битишувларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини, қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказишни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш стандартларини, қимматли қоғозлар эгалари реестрларини ва қимматли қоғозлар билан битишувларни ҳисобга олиш реестрини юритиш тартибини тасдиқлайди;

ўз маблағлари етарлигининг мажбурий нормативларини ва қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича таваккалчиликларни чеклайдиган бошқа кўрсаткичларни, шунингдек давлат қимматли қоғозларидан ташқари қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича ҳужжатларни сақлаш муддатларини белгилайди»;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга лицензия олган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари мансабдор шахсларига нисбатан малака талабларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда қимматли қоғозлар бозорида суғурталовчилар фаолияти устидан назоратни амалга оширади»;

йигирманчи хатбоши йигирма тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Марказ:

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ижтимоий ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Жамғарма солинадиган иқтисодий санкциялардан ажратмаларнинг 10 фоизи, эмитентларнинг қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатлари кўриб чиқилганлиги учун улардан олинадиган йиғим ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади;

қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини белгилаш, давлат қимматли қоғозлари эмитентлари бундан мустасно;

давлат бошқаруви органлари, фуқаролар, қимматли қоғозлар бозори мутахассислари ва мансабдор шахслардан Марказга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни сўраш ва олиш;

ўз қимматли қоғозларини оммавий сотиш учун қўйган эмитентдан, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини профессионал жиҳатдан таъминлайдиган ҳар қандай бошқа шахсдан, шунингдек фонд биржаларидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиш ва эълон қилиш мажбурий бўлган қоидалар, устав-

лар, регламентлар, йўриқномалар, намунавий ҳужжатлар нусхалари тақдим этилишини талаб қилиш;

қимматли қоғозлар тўғрисидаги ҳисобот шаклида эълон қилинган ва тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги юзасидан, шунингдек қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлиги тўғрисида маълумотлар тушганда қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг (давлат қимматли қоғозлари эмитентларидан ташқари) бухгалтерия ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларини текшириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузиш ва уларни судга юбориш;

қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда инвесторлар, қимматли қоғозлар эгалари, давлатнинг манфаатлари учун давлат божи тўламасдан судга иқтисодий санкциялар қўллаш тўғрисида мурожаат қилиш, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ҳуқуқбузилиши содир этилганлиги эътироф этилган ва улар ихтиёрий тўланган тақдирда кўрсатиб ўтилган санкцияларни қўллаш ҳуқуқига эга, уларнинг 10 фоизи Марказни ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига тушади, қолган қисми эса давлат бюджети даромадига йўналтирилади;

эмитентларнинг рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларини текшириш ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларига мувофиқ уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини талаб қилиш;

эмитентларнинг қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўйича ҳужжатлари кўриб чиқилганлиги учун улардан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида белгиланган тартибда йиғим ундириш;

қимматли қоғозлар бозори фаолият кўрсатиши ва ривожланиши соҳасида халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш;

юқори малакали хорижий ва мамлакатимиз мутахассисларини контракт асосида маслаҳатчилар ва экспертлар сифатида ишга таклиф қилиш;

фонд биржаларининг биржа кенгашлари, бошқа биржаларнинг фонд бўлимлари мажлисларида қатнашиш, биржа фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун давлат инспекторларини тайинлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг профессионал уюшмалари фаолиятини ва уларнинг аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни қўшиб олиб бориш тартибини белгилаш;

ваколатлари доирасида қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчиларга нисбатан қўйидаги санкцияларни қўллаш:

қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари кўриб чиқиши ва ижро этиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

фонд биржаларидан (фондли бўлимларни ташкил этган бошқа биржалардан) қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Марказ талаблари уларнинг аъзолари томонидан бузилган тақдирда бир ёки бир нечта аъзоларни аъзоликдан чиқаришни ёки фаолиятдан четлатишни талаб қилиш;

эмитентлардан белгиланган тартибда қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти рўйхатдан ўтказилмасдан ўтказиладиган қимматли қоғозларни очик сотишга таклиф қилиш бўйича реклама компаниясини тўхтатишни талаб қилиш;

акциядорларнинг инвестицияларини ҳимоя қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа иштирокчилари риоя қилиши мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни белгилаш;

эмитентлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда эмитентларнинг қимматли қоғозлари эмиссияси ва муомалада бўлишини 10 иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш ёки чеклаш тўғрисида судга мурожаат қилиш;

қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган тақдирда ўз ваколатлари доирасида қимматли қоғозлар бозори иштирокчисининг унинг фаолияти тўхташига олиб келмайдиган айрим операцияларини тўхтатиб туриш;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки кўпол равишда бузилган ҳолларда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида қимматли қоғозлар билан фаолиятни амалга оширишга берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг аниқланган ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

жисмоний шахсларга қимматли қоғозлар бўйича профессионал фаолиятни олиб бориш ҳуқуқига малака аттестатлари бериш, шунингдек жисмоний шахслар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда уларнинг аттестатлари амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уларни аттестатлардан маҳрум қилиш;

биржа иши ва қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш қоидалари бузилган тақдирда фонд биржасида операцияларни, шу жумладан клиринг операцияларини ва улар бўйича ҳисоб-китобларни ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида судга мурожаат қилиш;

Марказ томонидан аниқланган акциядорлик жамиятлари таъсис этилишининг эътирофи мавжуд эмаслигига доир маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органларига бериш;

белгиланган тартиб бузилган ва ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш;

Марказнинг ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича, шу жумладан қимматли қоғозлар билан битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ва/ёки қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари содир этилгунга қадар олдинги аҳволни тиклаш бўйича судга даъволар билан мурожаат қилиш, шунингдек экспертлик қилиш ҳуқуқига эга»;

8-бандда:

«Апелляцияларни кўриб чиқиш кенгаши» сўзлари чиқариб ташлансин;

«бўлимлари» сўзи «бошқармалари» сўзи билан алмаштирилсин;

9 ва 10-бандлар куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Марказнинг бош директори лавозимига кўра Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади. Бош директорнинг ўринбосарлари Марказ бош директорининг тақдимномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадилар»;

10. Марказнинг ҳудудий бошқармалари ўз фаолиятида Марказга ва давлат мулкини бошқариш ҳудудий органларига бўйсунди.

Марказнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг тегишли ҳудудий органи раҳбари билан келишув бўйича бош директор томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар»;

12 ва 13-бандлар чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибида:

а) III бўлимнинг номидаги «брокерлик идоралари, фонд дўконлари ва бошқа инвестиция муассасалари» сўзлари «ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 15-банддаги «бошқа инвестиция муассасалари» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 17-банддаги «брокерлик идоралари ёки бошқа инвестиция муассасалари» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорида:

а) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Белгилансинки, инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фонди инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ўзи бошқараётган инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларининг ўртача йиллик соф активлари қийматининг камида 5 фоизи миқдоридagi ўз моддий активларига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари томонидан ўз моддий активлари қийматини кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқлаштирилиши устидан назоратни таъминласинлар»;

б) 6-банднинг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 2-иловада:

2-банддаги «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Инвестиция фондлари инвесторларнинг пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозларга, бошқа инвестиция активларига, шунингдек банк ҳисобварақларига ва омонатларга жойлаштириш мақсадида ташкил этилади»;

10-банднинг бешинчи хатбошидаги «депозитарий ва бошқарувчи компания» сўзлари «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

11-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг билан инвестиция фондининг активларини бошқариш тўғрисида контракт тузиш тартиби, зарар етказилган тақдирда инвестиция фонди ва акциядорлар олдидаги жавобгарлиги»;

олтинчи хатбошидаги «депозитарий билан» сўзлари «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан» сўзлари билан алмаштирилсин»;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн олтинчи хатбошидаги «бошқарувчи компания ёки депозитарийнинг» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

13-банднинг биринчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварини» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича эквивалентда 50 минг АҚШ долларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг биринчи хатбошидаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банддаги «инвестиция институти сифатида фаолиятни амалга оширишга» сўзлари «профессионал фаолиятга» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банддаги «Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига» сўзлари «Марказга» сўзи билан алмаштирилсин;

26-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Инвестиция фондини ташкил этишда акциялар очиқ ёзилиш йўли билан тарқатилади. Акцияларга ёзилиш фонд муассислари томонидан инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси орқали ташкил этилади.

Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси бўлажак акцияларга ёзилиш ҳақидаги билдиришномани эълон қилади, унда куйидагилар кўрсатилади:

инвестиция фондининг номи ва жойлашган жойи;

унинг фаолияти предмети ва мақсадлари;

муассислар таркиби;

инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг номи ва жойлашган жойи;

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг номи ва жойлашган жойи;

фонд акциядорларининг биринчи умумий (таъсис) йиғилиши ўтказиладиган сана;

устав фондининг мўлжалланаётган миқдори;

акцияларнинг номинал қиймати ва уларнинг сони;

акцияларга ёзилиш жойи, ёзилишнинг бошланғич ва охириги муддати;

муассислар томонидан натура шаклида қўшиладиган мол-мулк таркиби;

инвестиция фондига хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва унинг ҳисоб рақами.

Муассислар ёки инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси қарорига кўра кўрсатиб ўтилган билдиришномага бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин. Акцияларга ёзилиш муддатининг олти ойдан ошиши мумкин эмас»;

29 ва 30-бандлар куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Акциядорларнинг умумий йиғилиши инвестиция фонди бошқарувининг юқори органи ҳисобланади, унинг мутлақ ваколатига амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлардан ташқари куйидагилар тегишли бўлади:

фонд фаолиятидаги асосий йўналишларни, мақсадлар ва чеклашларни маъқуллаш;

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан тузилган контрактни, инвестиция фонди активларини бошқариш тўғрисида инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси билан тузилган контрактни, шу жумладан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси-ни мукофотлаш миқдорларини белгилаш тартибини, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни маъқуллаш;

30. Акциядорларнинг биринчи умумий (таъсис) йиғилиши инвестиция фонди акцияларига ёзилиш тамом бўлган санадан бошлаб 60 кундан кечикмай ўтказилади.

Фонд акциядорларининг биринчи умумий (таъсис) йиғилиши:

Жамият муассислари кенгаши раисининг ахборотини ва инвестиция активлари

ишончли бошқарувчисининг фондни таъсис этиш давомида олиб борилган ишлар ҳақидаги ҳисоботини эшитади;

фонд уставини тасдиқлайди;

фондни таъсис этиш давомида муассислар томонидан тузилган шартномаларни тасдиқлайди;

жамият Кузатувчи кенгашини сайлайди ва унинг раисига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси билан контрактларни тузиш (қайта тузиш) ваколатини беради»;

37-банддаги «бошқарувчи компания ва депозитарий» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

39-банддаги «инвестиция институтининг», «фаолият кўрсатиш» сўзлари тегишли равишда «қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг», «профессионал фаолиятни амалга ошириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

40-банддаги «бошқарувчи компанияси» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

41-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«41. Давлат бошқаруви органлари, шунингдек устав фондидаги давлат улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган, улар томонидан таъсис этилган корхоналар, жамоат ташкилотлари ва улар томонидан ташкил этилган корхоналар, тобе шахслар инвестиция фондининг инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси бўла олмайдилар.

Тобе шахслар деганда жисмоний ёки юридик шахслар — мазкур инвестиция фонди овоз берувчи акцияларининг 10 фоиздан ортиғи тегишли бўлган инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва унинг мансабдор шахслари, муассислари, шунингдек ушбу инвестиция фонди акцияларининг 10 фоиздан ортиғи акциядорлар, инвестиция фондининг бирор-бир юридик ёки жисмоний шахсига овоз берувчи акцияларнинг 10 фоиздан ортиғи тегишли бўлган акциядорлик жамияти тушунилади. Тобе шахслар жумласига инвестиция фондларини бошқариш тўғрисида мазкур инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси билан контракт тузган барча инвестиция фондлари киради»;

42-бандда:

биринчи хатбошидаги «бошқарувчи компания», «бошқарувчи компания муассислари» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси муассислари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

44 ва 45-бандлардаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

46-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

47-банддаги «Бошқарувчи компания», «суд томонидан» сўзлари тегишли равишда «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «суд тартибида» сўзлари билан алмаштирилсин;

48-банддаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

49-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

50-банддаги «Бошқарувчи компаниянинг», «депозитарий» сўзлари тегишли равишда «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисининг», «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин;

VII бўлим номидаги «Депозитарий» сўзи «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин;

51-банддаги «депозитарийда» сўзи «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида» сўзлари билан алмаштирилсин;

52-банддаги «депозитарий» сўзи «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин;

53-банддаги «Депозитарий», «депозитарийнинг» сўзлари тегишли равишда «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси», «ушбу депозитарийнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

54-банддаги «Депозитарий» сўзи «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин ҳамда «депозитарий билан» сўзлари чиқариб ташлансин;

55-банддаги «Депозитарийнинг» сўзи «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

56-банддаги «Бошқарувчи компания», «депозитарийнинг», «бошқарувчи компанияси» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг», «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

57-банддаги «бошқарувчи компанияси», «депозитарий», «бошқарувчи компания» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси», «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

58-банддаги «бошқарувчи компания ва депозитарийнинг» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

59-банддаги «бошқарувчи компанияси», «депозитарий», «Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси», «Марказ» сўзлари билан алмаштирилсин;

60-банднинг ўн иккинчи хатбошидаги «компания бошқарувчиси» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин ҳамда «депозитарий» сўзи чиқариб ташлансин;

61-банддаги «бошқарувчи компаниянинг» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

63-банддаги «бошқарувчи компанияни», «бошқарувчи компания» «депозитарийга», «бошқарувчи компанияга» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисини», «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига», «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

65-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

66-банддаги «бошқарувчи компания», «депозитарий» сўзлари тегишли равишда

«инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин;

67-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

68-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«68. Инвестиция фонди Марказга ўзининг инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ва мустақил аудитор тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади, шунингдек ҳар қандай манфаатдор шахснинг ёки ташкилотнинг ушбу маълумотлар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлайди»;

70-банднинг биринчи хатбошидаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

71-банддаги «депозитарий» сўзи «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин;

74-бандда:

биринчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Инвестиция фонди юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларига қайта ташкил этилиш ҳуқуқига эга эмас. Инвестиция фондини бирлаштириш, қўшиш, бўлиш, ажратиб чиқариш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади»;

куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Инвестиция фондига берилган қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхта-тиш ёки уни бекор қилиш инвестиция фондининг белгиланган тартибда тугатилишига олиб келади»;

г) 3-иловада:

5-банднинг еттинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Хусусийлаштириш инвестиция фонди юридик шахснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларига қайта ташкил этилиш ҳуқуқига эга эмас. Инвестиция фондини бирлаштириш, қўшиш, бўлиш, ажратиб чиқариш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) томонидан амалга оширилади»;

11-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварини» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича эквивалентда 50 минг АҚШ долларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «бошқарувчи компания», «ХИФ депозитарийси», «Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси», «Марказ» сўзлари билан алмаштирилсин;

III бўлим номидаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги «бошқарувчи компания», «Марказий депозитарийнинг» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда:

иккинчи хатбошидаги «фонд дўконлари ва бошқа сотиш жойлари орқали» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «депозитарий» сўзи «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. ХИФлар акцияларини сотиш қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

20-банд чиқариб ташлансин;

21-банддаги «Институционал таркатувчиларнинг» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

27 ва 29-бандлардаги «Марказий депозитарий» сўзлари «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин;

35-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

36-банд чиқариб ташлансин;

37-банддаги «депозитарий» сўзи «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда):

а) 2.2.16-банддаги «профессионал бошқарувчи компаниялар» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловининг 1.21-2-бандидаги «бошқарувчи компаниялар», «профессионал бошқарувчи компаниялар» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1999 йил 21 майдаги 263-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 27-модда):

а) муқаддимадаги «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг ўз фаолиятини тезкор бошқариш ҳуқуқида ва хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар ҳамда бошқа тушумлар ҳисобига амалга оширадиган давлат унитар корхонаси шаклидаги Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (кейинги ўринларда Марказий депозитарий деб аталади)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Марказий депозитарий хизматлари учун тарифлар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади;

2. Белгилансинки, қуйидагилар Марказий депозитарийнинг мутлақ функциялари ҳисобланади:

эмиссиявий қимматли қоғозларни ҳисобга қўйиш, давлат эмиссиявий қимматли қоғозлари бундан мустасно;

эмиссиявий нақд бўлмаган қимматли қоғозларни сақлаш, давлат эмиссиявий нақд бўлмаган қимматли қоғозлари бундан мустасно;

марказий рўйхатдан ўтказувчи сифатида акциялар эгаларининг реестрларини ҳамда корпоратив облигациялар эгаларининг реестрларини юритиш;

унга сақлаш учун берилган қимматли қоғозларга нисбатан давлат ҳуқуқларини, шунингдек давлат томонидан қимматли қоғозларни бошқариш ваколати берилган шахсларнинг қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ҳисобга олиш;

депозитарийларнинг вакиллик ҳисоб рақамларини юритиш;

биржа ва биржадан ташқари савдолар қатнашчиларининг унга сақлаш учун берилган қимматли қоғозлари савдога қўйилишидан олдин уларнинг мавжудлигини ва ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш;

биржа ва биржадан ташқари савдоларда тузилган битишувларга мувофиқ савдолар қатнашчиларига унга сақлаш учун берилган қимматли қоғозларнинг етказиб берилишини таъминлаш;

эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаш, давлат эмиссиявий қимматли қоғозлари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

инвестиция фондлари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларни ҳисобга олиш;

депозитарийлар депонентларининг ягона базасини юритиш;

депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозлар (давлат эмиссиявий қимматли қоғозлари бундан мустасно) ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни жамлаш ва туркумлаштириш»;

в) қуйидаги мазмундаги 2¹-банд қўшилсин:

«2¹. Марказий депозитарий марказий рўйхатдан ўтказувчи функцияларини бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қимматли қоғозлар номинал сақловчиларидан акциялар эгаларининг реестрларини ҳамда корпоратив облигациялар эгаларининг реестрларини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш.

Марказий депозитарий марказий рўйхатдан ўтказувчи функцияларини бажаришда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Марказий депозитарий марказий рўйхатдан ўтказувчи функцияларини бажаришда:

акциялар эгалари ҳамда корпоратив облигациялар эгаларининг муайян санадаги ҳолатига кўра шакллантирилган реестрларини сақлашга;

акциялар эгаларининг реестрлари ҳамда корпоратив облигациялар эгаларининг реестрларидаги маълумотларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этишга;

акциялар эгаларининг реестрлари ҳамда корпоратив облигациялар эгаларининг реестрларидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга мажбур.

Марказий депозитарий марказий рўйхатдан ўтказувчи функцияларини бажаришда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин»;

г) 3-банднинг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 7-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«7. Қуйидагиларга:

Марказий депозитарийга:

акциядорлик жамиятларига улар томонидан корпоратив хатти-ҳаракатларни амалга оширишда ҳамда қимматли қоғозлар эмиссиясини тайёрлашда маслаҳат хизматлари кўрсатишга;

олдиндан ҳақ ундирмасдан амалда кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олган ҳолда депозитар хизматлар кўрсатишга рұхсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан унинг ихтиёрида қоладиган маблағларнинг бир қисмини Марказий депозитарийнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтиришга рухсат берилсин».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига 1-илованинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» бўлимидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) «(қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция институтларининг фаолияти)» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 6-банди «е» кичик бандининг учинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси ёки инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган биржа аъзоларининг фонд биржасида (фондли бўлимларни ташкил этган бошқа биржаларнинг ҳам) биржа савдоларига қўйилиши».

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда):

а) 1-банднинг тўртинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ»;

б) 2-иловада:

2-банддаги «профессионал бошқарувчи компаниялар» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «профессионал бошқарувчи компаниялар» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

илованинг номи қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари тўғрисида низом»;

1-банддаги «бошқарувчи компанияларга» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «компанияни бошқаришга» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувга» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

биринчи хатбошидаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Бошқарувчи компаниянинг» сўзлари «Инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Бошқарувчи компаниялар» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг биринчи хатбошидаги «қуйидагилар» сўздан кейин «инвестиция активларини» сўзлари қўшилсин;

II бўлим номидаги «Ишончли бошқарув» сўзларидан олдин «Инвестиция активларининг» сўзлари қўшилсин;

9-бандда:

биринчи хатбошидаги «Бошқарувчи компаниянинг» сўзлари «Инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «ишончли бошқарувчи» сўзларидан олдин «инвестиция активларининг» сўзлари қўшилсин;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошидаги «бошқарувчи компания», «бошқарувчи компанияга» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

11 ва 12-банддаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «бошқарувчи компания», «бошқарувчи компаниянинг» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Шартномани бажариш жараёнида инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси томонидан бошқарув таъсисчиси мулкига олинадиган пул маблағлари инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси объектига киритилади. Бунда инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг ушбу пул маблағларини бериш тўғрисида ўзи билан бошқарув таъсисчиси ўртасида қўшимча битимлар тузиши талаб қилинмайди. Инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш натижасида пайдо бўлган мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган пул маблағлари ҳисобига бажарилади.

Инвестиция активларини ишончли бошқариш шартномасида инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси томонидан бошқарув таъсисчиси мулкига олинган барча пул маблағларининг улар инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси томонидан олингандан кейин дарҳол тўлиқ ҳажмда бошқарув таъсисчисига берилиши кераклиги назарда тутилган тақдирда кўрсатиб ўтилган қоида амал қилмайди»;

15-банддаги «Ишончли бошқарув» сўзларидан олдин «Инвестиция активларининг» сўзлари қўшилсин, шунингдек «бошқарувчи компаниянинг» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги «Бошқарувчи компаниянинг», «бошқарувчи компания» сўзлари тегишли равишда «Инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг», «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин, шунингдек «ишончли бошқарув» сўзларидан олдин «инвестиция активларини» сўзлари қўшилсин;

17-бандда:

биринчи хатбошидаги «Бошқарувчи компаниянинг» сўзлари «Инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ишончли бошқарув» сўзларидан олдин «инвестиция активларини» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошидаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Ишончли бошқарув» сўзларидан олдин «Инвестиция активларини» сўзлари қўшилсин;

20-банд матнидаги «бошқарувчи компания», «Бошқарувчи компаниянинг» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси», «Инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банддаги «бошқарувчи компаниянинг» сўзлари «Инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банддаги «бошқарувчи компанияга» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

III бўлим номидаги «Ишончли бошқарув» сўзларидан олдин «Инвестиция активларини» сўзлари қўшилсин;

24-бандда:

биринчи хатбошидаги «Бошқарувчи компанияга», «бошқарувчи компаниянинг» сўзлари тегишли равишда «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисига», «инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ишончли бошқарувчида», «Ишончли бошқарув» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисига», «Инвестиция активларини ишончли бошқарув» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банддаги «бошқарувчи компаниялар», «бошқарувчи компания» сўзлари тегишли равишда «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари», «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандда:

биринчи хатбошидаги «бошқарувчи компания» сўзлари «инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин, шунингдек «ишончли бошқарув» сўзларидан олдин «инвестиция активларини» сўзлари қўшилсин;

27-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Инвестиция активларини ишончли бошқарув муассиси томонидан пул маблағларини инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисига бериш нақд бўлмаган пул маблағларини унинг томонидан очиладиган алоҳида ҳисоб рақамига ўтказиш ёки нақд маблағларни инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади».

28-банддаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

IV бўлим номидаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Бошқарув муассиси инвестиция активларини ишончли бошқарув тўғрисидаги шартномани тузишда инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси фаолиятини чеклаш ҳуқуқига эга, ушбу чеклашлар инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисига қуйидагиларни тақиқлайди:

ўз бошқарувида бўлган пул маблағлари ҳисобига ўз мулкидаги, ўз муассиси мулкидаги қимматли қоғозларни сотиб олиш;

ўз бошқарувидаги қимматли қоғозларни ўз мулкига, ўз муассислари мулкига бегоналаштириш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса;

инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси айни бир вақтда бошқа шахс томонидан брокер (воситачи, ишончли вакил) сифатида иш қўрадиган битишувлар тузиш;

ўзи ва ўзининг муассислари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни ўз бошқарувида бўлган пул маблағлари ҳисобига сотиб олиш;

тугатиш жараёнида бўлган ташкилотларнинг қимматли қоғозларини ўз бошқарувида бўлган пул маблағлари ҳисобига сотиб олиш;

ўзига тобе шахслар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларини ўз бошқарувида бўлган пул маблағлари ҳисобига сотиб олиш;

инвестиция активларини ўзига тобе шахсларга жойлаштириш;

ўз бошқарувида бўлган қимматли қоғозларни ушбу банднинг иккинчи — саккизинчи хатбошида белгиланган қимматли қоғозларга алмаштириш;

ўз бошқарувида бўлган қимматли қоғозларни тўлов муддатини 30 календарь кундан кўпроқ муддатга кечиктиришни ёки уни бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутовчи шартномалар бўйича ўзгага бериш;

ўз бошқарувида бўлган қимматли қоғозларни ўз мажбуриятларини (бошқарувчи томонидан ишончли бошқарув тўғрисидаги тегишли шартнома бажарилиши муносабати билан пайдо бўладиган мажбуриятлардан ташқари), ўз муассислари мажбуриятларини, бошқа ҳар қандай учинчи шахсларнинг мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун гаровга бериш;

ўз бошқарувида бўлган қимматли қоғозларни учинчи шахснинг депозит тасарруфчиси ва (ёки) олувчиси сифатида белгиланган ҳолда сақлашга бериш;

ўз бошқарувида бўлган пул маблағларини учинчи шахслар фойдасига омонатга қўйиш ёхуд кўрсатилган маблағларни учинчи шахс (шахслар) тасарруфчиси этиб белгиланган ҳисоб рақамига (ҳисоб рақамларига) ўтказиш;

ўз бошқарувида бўлган пул маблағлари ҳисобига ҳар қандай учинчи шахслар улар бўйича тўловнинг олувчилари этиб белгиланган суғурта шартномаларини тузиш (суғурта полисларини сотиб олиш).

Қонун ёки шартномада инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси фаолиятига қўшимча чеклашлар белгиланиши мумкин».

30-банддаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

V бўлим номидаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«31. Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисини бошқарув муассисига хизматлар кўрсатгани учун тақдирлаш пули асосий ва қўшимча (мукофот) тақдирлаш тарзида тўланади.

Инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг асосий тақдирлаш пули бир йил учун белгиланган суммада, чораклар бўйича тақсимлаган ҳолда ёки у бошқарадиган активлардан олинган даромадга нисбатан фоизлар ҳисобида белгиланади. Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси оладиган асосий тақдирлаш пулининг умумий миқдори ва хусусияти шартномада белгиланади.

Инвестиция активлари ишончли бошқарувчисининг қўшимча (мукофот) тақдирлаш пули шартномага мувофиқ йил натижаларига кўра тўланади»;

32-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Инвестиция активларини ишончли бошқаришда инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси томонидан қилинган барча харажатлар миқдори, уларни тўлаш муддатлари ва тартиби ҳамда инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисини бошқарув муассисига кўрсатилган хизматлар учун тақдирлаш пули тўлаш улар ўртасида тузиладиган инвестиция активларини ишончли бошқариш шартнома-сида белгиланади»;

VI бўлим номидаги «Бошқарувчи компанияни» сўзлари «Инвестиция активла-рининг ишончли бошқарувчисини» сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банддаги «Бошқарувчи компанияни», «бошқарувчи компания» сўзлари те-гишли равишда «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчисини», «инвести-ция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 29 апрелдаги 196-сон қаро-рида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 33-модда):

а) 1-иловада:

1-банддаги «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғри-сида» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» сўзлари билан алмаштирил-син, шунингдек «(ташкilotлари)» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ҳисоб-китоб-клиринг палаталари (ташкilotлари)» сўзлари «ҳисоб-китоб-клиринг палаталари» сўзлари билан алмаштирилсин, шунингдек «(ин-вестиция институти)» сўзлари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошидаги «Марказий депозитарийнинг» сўзлари «Қимматли қоғоз-лар марказий депозитарийси (кейинги ўринларда Марказий депозитарий деб юри-тилади)»;

7-банднинг иккинчи хатбошидан «иккинчи даражали» сўзлари чиқариб ташлан-син;

9-банднинг тўртинчи хатбошидан «иккинчи даражали» сўзлари чиқариб таш-лансин;

б) 2-иловада:

илова номидаги «депозитарий тизимида» сўзлари «депозитарийлар тизимида» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғриси-да», «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида», «депозитарий тизимида» сўзлари тегишли равишда «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «депозитарийлар тизимида» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «депозитарий тизимида», «Марказий депозитарий» сўзлари тегиш-ли равишда «депозитарийлар тизимида», «Қимматли қоғозлар марказий депозита-рийси (кейинги ўринларда Марказий депозитарий деб юриртилади)» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицен-зиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қаро-рида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 60-модда):

а) қарорнинг номидаги ва 1-бандидаги «(инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

илова номидаги «(инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозорида-ги фаолиятини)» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банддан «(инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти) турлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банддан «(инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини)» сўзлари чиқариб ташлансин;

3-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолиятни фақат юридик шахслар амалга оширишлари мумкин»;

4-банддан «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

5-банддан «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Лицензиялар қимматли қоғозлар бозорида қўйидаги касбий фаолиятни:

инвестиция воситачиси (брокери, дилери);

инвестиция маслаҳатчиси;

инвестиция фонди;

инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси;

депозитарий;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси;

трансфер-агент;

қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси сифатида амалга ошириш учун берилади.

Лицензия талабгорига унинг аризасига кўра қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни ёки ушбу фаолиятнинг бир қисмини амалга ошириш учун лицензия берилиши мумкин. Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни амалга ошириш учун лицензия қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни қўшиб олиб бориш учун белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда берилади.

Қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолият юридик ёки жисмоний шахс томонидан фақат лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича амалга оширилиши мумкин. Лицензияни ёки унинг бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади»;

7-бандда:

«в» кичик банддаги «инвестиция институтлари» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банддаги «ходимнинг бўлиши» сўзларидан кейин «ҳамда ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш вазифасига кирувчи камида битта ходим (назоратчи) бўлиши» сўзлари қўшилсин;

«д» кичик бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қўйидаги шахслар лицензиатнинг раҳбари бўлиши мумкин эмас»;

учинчи ва тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда, фонд биржаларида ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик фаолият соҳаларида, ахборот технологиялари соҳасида ёки кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича давлат бошқарув органларидаги ишда камида икки йиллик иш стажига эга бўлмаган шахслар;

якка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган, коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирган ёки ушбу шахсларнинг айби билан йўл қўйилган лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун кўрсатиб ўтилган ташкилотларда касбий фаолиятни амалга оширишга берилган лицензияларнинг амал қилиши тўхта-тилган пайтда, агар бундай тўхташ пайтидан бошлаб уч йилдан кам вақт ўтган бўлса, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси, фонд биржаси, кредит, суғурта ёки аудиторлик ташкилотининг муассислари бўлган шахслар»;

7-банддаги ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

8-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятнинг икки ва ундан ортиқ қисмларига лицензия олишда лицензия талабгорига қўйидаги талаблар қўйилади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида фаолиятнинг қўшимча (қўшиб олиб бориладиган) қисми қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятнинг амалга ошириладиган қисмига мувофиқ бўлиши керак;

қимматли қоғозлар бозорида қўшимча (қўшиб олиб бориладиган) фаолият қисмини амалга ошириш ниятида бўлган лицензия талабгори ёки лицензиат лицензияловчи органга мазкур Низомда кўрсатилган лицензияланадиган фаолиятнинг тегишли қисмига ҳужжатларни тақдим этиши ва касбий фаолиятнинг қўшиб олиб бориладиган қисмларидан бири учун энг кўп даражада белгиланган ўз маблағлари (сармоя)нинг етарли миқдорига эга бўлиши керак.

Лицензияловчи органнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида лицензия талаблари ва шартлари унга ҳам жорий этиладиган лицензиатнинг ва унинг таркибий бўлинмасининг қўшиб олиб бориладиган касбий фаолият қисмини амалга оширишга қўйиладиган талаблар ва унинг тартиби, шунингдек уларнинг касбий фаолиятни қўшиб олиб боришга ва қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга чекловлар белгиланади»;

9-бандда:

«а» кичик бандда:

иккинчи хатбошидан «юридик шахс учун» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензия талабгори қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириш ниятида бўлган касбий фаолият»;

«б» кичик банддан «юридик шахс учун» ва «жисмоний шахс учун — якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

«ж» кичик банддан «лицензия талабгори бўлган жисмоний шахснинг ёхуд» ва «юридик шахснинг» сўзлари чиқариб ташлансин;

«з» кичик банддаги «хизмат» сўзи «махфий» сўзи билан алмаштирилсин;

«и» кичик банддан «алоҳида турларини» сўзлари чиқариб ташлансин;

«к» кичик банднинг биринчи хатбошидан «юридик шахс» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банддаги ўн бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

10-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси сифатида касбий фаолиятни амалга оширишга лицензия олиш учун лицензия талабгори қўшимча равишда қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:»

учинчи хатбошидаги «бошқарувчи компания, инвестиция компанияси» сўзлари «ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ички назорат тўғрисидаги низом нусхаси»;

11-бандда:

биринчи хатбошидаги «Инвестиция фонди касбий фаолиятини» сўзлари «Инвестиция фонди сифатида касбий фаолиятни» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«инвестиция фонди билан инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси ўртасида контракт тузилганлиги тўғрисидаги дастлабки шартноманинг лицензиат томонидан тасдиқланган нусхаси»;

тўртинчи хатбошидаги «депозитарий» сўзи «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «Марказий депозитарийнинг» сўзлари «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қимматли қоғозлар бозорида ҳисоб-китоб-клиринг палатаси сифатида касбий фаолиятни амалга оширишга лицензия олиш учун лицензия талабгори қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:»;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Қимматли қоғозлар бозорида трансфер агент сифатида касбий фаолиятни амалга оширишга лицензия олиш учун лицензия талабгори қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

трансфер-агент регламенти;

трансфер-агент хизмати кўрсатиш тўғрисидаги намунавий шартнома»;

15-банднинг биринчи хатбошидаги «биржадан ташқари савдо ташкилотчиси фаолиятини амалга оширишга» сўзлари «биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси сифатида касбий фаолиятни амалга оширишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банддан «турлари» сўзи чиқариб ташлансин;

24-банднинг тўртинчи хатбошидаги «тури (турлари)» сўзлари «қисми (қисмлари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Бошқарувчи компания» сўзлари «Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-бандда:

биринчи хатбошидан «юридик шахс бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

40-бандда:

биринчи хатбошидаги «ҳар бир тури» сўзлари «ҳар бир қисми» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидан «юридик шахслар учун» сўзлари чиқариб ташлансин

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — тўққизинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи — саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

42-банддаги «икки ва ундан ортиқ турига» сўзлари «икки ва ундан ортиқ қисмига» сўзлари билан алмаштирилсин;

Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш схемасида:

схема номидан «(инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини)» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-босқичда:

«Субъектлар» устунидан «жисмоний шахс» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Тадбирлар» устунининг 1-бандидан «(инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини)» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ле-

галлаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни бериш тартиби тўғрисида» 2006 йил 30 июндаги 126-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 47-модда):

а) 1-илова 5-бандининг учинчи хатбошидаги «инвестиция институтлари» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловадаги Пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар турларининг кодларида:

«Инвестиция фондлари, депозитарийлар ва инвестиция ташкилотларининг бошқа турлари» позицияси номидаги «инвестиция ташкилотларининг бошқа турлари» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Инвестиция ташкилотлари бошқа турлари» позицияси номидаги «Инвестиция ташкилотларининг бошқа турлари» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Инвестиция ташкилотлари бошқа турларининг филиаллари» позицияси номидаги «Инвестиция ташкилотларининг бошқа турлари» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг бошқа филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Инвестиция ташкилотлари бошқа турларининг бошқа алоҳида бўлинмалари» позицияси номидаги «инвестиция ташкилотларининг бошқа турлари» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори бошқа профессионал иштирокчиларининг бошқа бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 2 октябрдаги 221-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатишини тартибга солиш ва уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 7 сентябрдаги 351-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Апелляцияларни кўриб чиқиш кенгаши таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 15 сентябрдаги 395-сон қарори ва қарорга 2-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарорига 6-илова II бўлими 17-банди «г» кичик бандининг ўн учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2002 йил 27 февралдаги 70-сон қарорининг 1-банди, 3-бандининг ўн еттинчи хатбоши, қарорга илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 11-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда айримларини ўз кучини

йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги 317-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 50-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 307-сон қарорининг 2-банди, шунингдек қарорга 1-илова 1-бандининг «а» кичик банди ва 3-банди ҳамда қарорга 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 59-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

413 «Гурлан» акциядорлик жамияти базасидаги «MURUV-VAT-TEKS» хорижий шўъба корхонасининг ўз эҳтиёжлари учун четдан келтирилган ва божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ҳамда технологик жиҳозлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 — 2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ-510-сон қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Гурлан» акциядорлик жамияти базасидаги «MURUVVAT-TEKS» хорижий шўъба корхонаси тўқимачилик комплексини ташкил этиш лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 — 2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ-510-сон қарори 1-иловасига киритилганлиги;

ушбу лойиҳа доирасида «MURUVVAT-TEKS» хорижий шўъба корхонаси билан «Zeromax GmbH» (Швейцария) компанияси ўртасида умумий суммаси 12526846 АҚШ доллари бўлган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ҳамда технологик жиҳозлар етказиб бериш юзасидан 2006 йил 17 ноябрдаги № ZM/MT-001 рақамли импорт контракти тузилганлиги;

Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилишга доир таклифларни кўриб чиқиш бўйича идоралараро эксперт кенгаши томонидан ушбу контракт доирасида четдан келтирилган ва божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ҳамда технологик жиҳозлар рўйхати юзасидан ижобий хулоса берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур контракт доирасида олиб кириш вақтида «Гурлан» акциядорлик жамияти базасидаги «MURUVVAT-TEKS» хорижий шўъба корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 — 2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғриси-

да» 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ-510-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинадиган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ҳамда технологик жиҳозлар рўйхати иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бўшаб қоладиган маблағлардан «Гурлан» акциядорлик жамияти базасидаги «MURUVVAT-ТЕКС» хорижий шўъба корхонаси томонидан ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, тайёр маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, ўз айланма маблағларини тўлдириш учун мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар. Ушбу маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда улар корхонага нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкциялари қўллаган ҳолда тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ундирилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 9 октябрь,
223-сон

+

-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

414 **Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг
Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос
рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
27 сентябрда 1863-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 7 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида низом (янги таҳрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 22 апрелдаги 10/5-сонли «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2002 йил 30 май, рўйхат рақами 1145 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 10-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 август,
18/6-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2008 йил 23 августдаги
18/6-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг
Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга
хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини
юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил 5-6-сон, 54-модда) ва «Банк сири тўғрисида»ги қонунларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 144-модда) мувофиқ банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда банк мижозларига хос рақам бериш ҳамда уларнинг ҳисобварақлари рўйхатини юритиш ва мижозлар ҳисобварақлари тўғрисида маълумотлар олиш тартибини белгилайди.

1-§. Умумий қоидалар

1. Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси (кейинги ўринларда — БДМАБ) Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан юридик шахсларга, шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга биринчи мартаба банк ҳисобварақлари очишда уларга хос рақам бериш, уларнинг ҳисобварақлари рўйхатини юритиш ҳамда мижозлар ҳисобварақлари тўғрисида маълумотлар олишни таъминловчи ахборотлар базаси бўлиб ҳисобланади.

БДМАБга Ахборотлаштириш Бош Маркази (кейинги ўринларда — АБМ) томонидан хизмат кўрсатилади ҳамда унинг фаолияти устидан назорат Марказий банк томонидан олиб борилади.

2. БДМАБ банк мижозлари ва уларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни, қолдиқ суммаларини қайд этмаган ҳолда сақлайди.

3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари (филиаллар, ваколатхоналар) солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) олиб амал қилаётган бўлса, ушбу филиаллар (ваколатхоналар)га ҳам алоҳида хос рақам берилади.

4. БДМАБда юридик шахслар бўлган мижозларга берилган хос рақамлар, уларнинг хўжалик фаолияти тугатилган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида сақланади ва бу давр ичида мазкур хос рақам бошқа шахсларга берилмайди. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига хос рақам бир марта берилади ва фақат уларга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами бекор қилингандагина, ушбу хос рақам бекор қилиниши мумкин. Шундан кейин ушбу хос рақам бошқа якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалигига берилади.

5. Мижозларнинг ҳисобварақлари БДМАБда, ҳар бир баланс ҳисобварақлари

учун валюталар кодлари бўйича кетма-кет рақамлаш тамойили асосида дастурий равишда шакллантирилади, бюджет ташкилоти бундан мустаснодир. Бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларини шакллантиришда ҳисобварақ тартиб рақами ўрнига даромад (харажат) моддаси (бўлими) кўрсатилади. Мижознинг БДМАБда шакллантирилган банк ҳисобварағи банкнинг маълумотлар базасига киритилади ва уларни банкда ўзгартириш мумкин эмас.

6. Мижозга асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ (кейинги ўринларда — асосий депозит ҳисобварақ) очиш жараёнида банк БДМАБдан мижозга хос рақам берилганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан кейин, бу тўғрисида ўз мижозига хабар беради ва шундан кейингина мижоз ушбу ҳисобварақ бўйича банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

7. Мижозга дастлабки очилган ёки бошқа банкдан ўтказилган банк ҳисобварақлари бўйича барча ҳисоб-китоблар кейинги иш кунидан бошлаб амалга оширилади.

8. БДМАБда ҳисобварақларни очиш, бошқа банкка ўтказиш, ёпиш, маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш ва уларни қайта тиклаш саналари шакллантирилади ва банкларга узатилади. Улар банкнинг маълумотлар базасига дастурий равишда киритилади ва банк томонидан ўзгартиришга рухсат этилмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси банклари билан БДМАБ ўртасидаги ахборот алмашилиш сўров файли тамойилига асосланади ва АБМнинг электрон почта тизими орқали амалга оширилади.

10. Сўровлар БДМАБга жўнатилгандан кейин, АБМ файлнинг БДМАБга узатилганлиги тўғрисида банкка тасдиқнома жўнатади.

11. Банклардан БДМАБга келиб тушадиган барча сўров турлари дастурий равишда, шу куннинг ўзидаёқ қайта ишланади.

12. Банкларнинг БДМАБга юборадиган сўров турлари ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган маълумотлардан ташкил топади.

13. БДМАБдан келиб тушган жавоб файлларининг барча маълумотлари банкда мижоз тақдим этган ҳужжатлар асли билан такроран солиштирилади. Агар хатолар аниқланса, хато маълумотлар бартараф қилинган ҳолда БДМАБга сўров қайта жўнатилади.

14. Банк ёки банк филиалининг фаолияти тугатилаётганда, мижозларнинг тугатилаётган банкдаги барча ҳисобварақлари олдиндан ёпилиши ёки банк фаолияти тугатилгунга қадар, БДМАБга 6-сўров жўнатган ҳолда, асосий ҳисобварағини тегишли банк филиалига ёки бошқа банкка ўтказилиши шарт.

15. Сўровлар бўйича кўрсатилган хизмат ҳақи банк ва АБМ ўртасида тузилган шартномада кўрсатиб ўтилади.

16. БДМАБдаги маълумотларни, шу жумладан банк сири ҳисобланган маълумотларни қонунчиликка зид равишда ошкор қилишда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

2-§. БДМАБнинг функциялари

17. БДМАБ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) банк депозиторларининг ахборотлар базасини шакллантириш, сақлаш, тўлдириб бориш ва уни фаол ҳолатда сақлаб туришни таъминлаш;

б) қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда, банк сирига риоя этган ҳолда тегишли давлат органлари билан банк депозиторлари ҳисобварақлари ва депозиторлар тури бўйича электрон маълумотлар алмашиш;

- в) банклараро электрон тўловларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш;
- г) банкларнинг сўровларига жавоб бериш;
- д) банкларнинг маълумотларига мувофиқ ахборотлар базасини тезкор ўзгартириб бериш;
- е) сўралган ахборотларни тезкор излаш;
- ж) ахборотлар базаси архивини ташкил этиш ва уни белгиланган муддатда сақлаш;
- з) тизимнинг фаолият кўрсатиш бўйича электрон баённомасини юритиш;
- и) қабул қилинган, жўнатилаётган, қайта ишланаётган ва сақланаётган ахборотлар муҳофазасини таъминлаш;
- к) фавқулодда ҳолатлар юз берганда банкларни ўз мижозлари ва уларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлар билан тўлиқ таъминлаш;
- л) конунчиликда кўзда тутилган ҳолларда тегишли давлат органларининг ёзма сўровларига асосан БДМАБда рўйхатга олинган депозиторлар ва уларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.

3-§. БДМАБнинг таркибий тузилиши

18. БДМАБ базасида банк мижозларининг маълумотлари қуйидаги таркибда шаклланади ва сақланади:

- 1) жўнатилган сўровноманинг тартиб рақами;
- 2) сўров тури рақами;
- 3) мижоз мақоми (юримдик (Ю), якка тадбиркор — (И), жисмоний шахс (Ф));
- 4) солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- 5) мижознинг номи;
- 6) мижоз тури;
- 7) ташкилий-ҳуқуқий шакли коди;
- 8) мулкчилик шакли коди;
- 9) манзил коди;
- 10) юримдик шахс коди;
- 11) тармоқ коди;
- 12) рўйхатга олган ташкилот номи;
- 13) рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами;
- 14) рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома санаси;
- 15) рўйхатга олган ташкилотнинг вилоят коди;
- 16) рўйхатга олган ташкилотнинг туман коди;
- 17) резидентлик белгиси (резидент ёки норезидент);
- 18) мижознинг мамлакат коди;
- 19) очилаётган мижоз ҳисобварағининг бош китобдаги баланс ҳисобварақ коди;
- 20) валюта коди;
- 21) ҳисобварақнинг БДМАБ ёки банк томонидан берилган тартиб рақами;
- 22) мижозга ҳисобварақни очаётган банк коди;
- 23) мижознинг шахсий ҳисобварағи;
- 24) мижозга БДМАБда берилган хос рақам;
- 25) мижоз БДМАБда рўйхатга олинган сана;
- 26) мижоз ҳисобварағи очилган сана;
- 27) бош корхонанинг БДМАБдаги хос рақами (алоҳида юримдик шахс сифатидаги филиаллар ва ваколатхоналар учун);
- 28) бош корхонанинг СТИРи (алоҳида юримдик шахс сифатидаги филиаллар ва ваколатхоналар учун);

- 29) бош корхонанинг номи (алоҳида юридик шахс сифатидаги филиаллар ва ваколатхоналар учун);
- 30) ҳисобварақдан вақтинча актив операцияларни тўхтатиш, банд солиш ёки ҳаракатсизлиги ёки ҳаракатга келтириш белгиси;
- 31) ҳисобварақдан вақтинча актив операцияларни тўхтатилган ёки банд солинган сана;
- 32) ҳисобварақдан охириги маротаба операция амалга оширилган сана;
- 33) вақтинча актив операцияларни тўхтатилган ёки банд солинган ҳисобварақни ҳаракатга келтириш санаси;
- 34) асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказиш белгиси;
- 35) асосий ҳисобварақ бошқа банкка ўтказилган сана;
- 36) мижознинг асосий ҳисобварағини қабул қилаётган банкнинг розилик белгиси;
- 37) мижоз асосий ҳисобварағини қабул қилаётган банк коди;
- 38) мижознинг ўтказилаётган асосий ҳисобварағини бошқа банкда очилган санаси;
- 39) мижоз ҳисобварағини ёпилиш асоси белгилари;
- 40) мижоз ҳисобварағи ёпилган сана;
- 41) эски асосий ҳисобварақнинг 20 та белгили рақами;
- 42) янги асосий ҳисобварақнинг 20 та белгили рақами;
- 43) мижознинг асосий ҳисобварағи ўзгартирилган сана;
- 44) мижоз фаолияти тугатилиши учун асос ва унинг рақами;
- 45) мижоз фаолияти тугатилган сана;
- 46) сўровномани бажарилиш белгиси (1-иловада келтирилган);
- 47) банк шарҳи (Комментарий банка);

4-§. БДМАБ га(дан) жўнатиладиган сўров (жавоб) турлари

19. БДМАБ банкларга кўйидаги сўров турлари бўйича хизмат кўрсатади:
- а) мижозни идентификациялаш (0-сўров тури);
- б) мижозларга хос рақам бериш ва асосий депозит ҳисобварақ очиш (1-сўров тури);
- в) мижозларга уларнинг хос рақами билан ҳисобварақлар очиш (2-сўров тури);
- г) ҳисобварақлардан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш ва ҳисобварақ ҳолати бўйича маълумот (3-сўров тури);
- д) ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатиб турилган ҳисобварақларни ҳаракатга келтириш (4-сўров тури);
- е) мижозларнинг БДМАБдаги маълумотларини ўзгартириш (5-сўров тури);
- ж) мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка кўчириш (6-сўров тури);
- з) мижозларнинг ҳисобварақларини ёпиш (7-сўров тури);
- и) мижозларнинг бошқа банкларда очган ҳисобварақлари рўйхатини олиш (8-сўров тури);
- к) мижознинг хос рақами фаоллигини тугатиш (9-сўров тури).

0-сўров тури. «Мижозни идентификациялаш»

20. 0-сўров тури мижозни СТИРи орқали БДМАБда рўйхатдан ўтганлигини аниқлаш учун белгиланган.
- Бу сўров мижозга хос рақам беришдан олдин унга ҳисобварақ очилаётганда

шакллантирилади ҳамда мижознинг олдин бошқа бирор-бир банк филиалида банк ҳисобварағи очган ёки очмаганлигини аниқлаш учун қўлланилади.

21. Мижоз олдин хос рақам олган бўлса, унда БДМАБдан мижоз ҳақида амалдаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда жавоб қайтарилади. Банк ходими БДМАБдан олинган маълумотларни мижоз тақдим этган ҳужжатдаги маълумотлар билан таққослайди, улар мос келган ҳолда, 2-сўров тури ёрдамида мижозга иккиламчи ҳисобварақлар очади.

0-сўров ва жавоб тури кўрсаткичлар рўйхати 2-иловада келтирилган.

1-сўров тури. «Мижозларга хос рақам бериш ва асосий депозит ҳисобварақ очиш»

22. 1-сўров тури, банк мижозларига миллий валютада дастлабки асосий депозит ҳисобварағи очишда уларга БДМАБда хос рақам бериш учун мўлжалланган. Ушбу сўров фақат мижоз олдин БДМАБдан хос рақам олмаган бўлсагина шакллантирилади.

23. Агарда юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари (филиаллар, ваколатхоналар) СТИР олиб амал қилаётган бўлса, БДМАБга 1-сўров турини шакллантиришда ушбу филиал (ваколатхона)ларнинг гувоҳномаларидаги маълумотлар ва СТИРи кўрсатилади ҳамда унга қўшимча равишда бош корхонанинг номи, хос рақами ва СТИРи кўрсатилиши шарт.

Қолган ҳолларда филиаллар (ваколатхоналар) учун БДМАБга 2-сўров тури «0» белги билан шакллантирилади ҳамда бош корхонанинг хос рақами ва СТИРи билан ҳисобварақ очилади, қолган маълумотлар БДМАБда дастурий равишда шаклланади.

1-сўров ва жавоб тури кўрсаткичлари рўйхати 3-иловада келтирилган.

2-сўров тури. «Мижозларга уларнинг хос рақами билан ҳисобварақлар очиш»

24. 2-сўров тури банкда мижозларга уларнинг хос рақами билан ҳисобварақлар очишда қўлланилади.

25. БДМАБда мижозларнинг ҳисобварақлари мавжудлиги текширилади, сўровда кўрсатилган баланс ҳисобварағи ва валюта коди бўйича очилган мижознинг барча ҳисобварақлари кўрсатилади ҳамда ҳисобварақ шакллантирилиб, жавоб файлида банкка қайтарилади.

26. Агар мижознинг асосий депозит ҳисобварағи ёпилган бўлса, у ҳолда мижозга иккиламчи депозит ҳисобварақлар банкнинг бошқа филиаллари ёки бошқа банкларда очилмайди ҳамда банкка бажарилмаганлик белгиси билан жавоб қайтарилади. Шунингдек, ҳисобварақлардан маблағларни ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган бўлса, у ҳолда мижозга иккиламчи депозит ҳисобварақ (қонунчиликда белгиланган тартибда, асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банкда очиладиган савдо ташкилотларига ҳаётий зарур товарлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун очилган ҳисобварақларидан, шунингдек, 22600 (22696 ҳисобварағи бундан мустасно) ва 23200 (23206 ҳисобварағи бундан мустасно) ҳисобварақларидан ташқари) банкнинг бошқа филиаллари ёки бошқа банкларда очилмайди ҳамда банкка бажарилмаганлик белгиси билан жавоб қайтарилади.

27. Агар мижоз бошқа банкдан ўзининг асосий ҳисобварағини кўчириб ўтаётган бўлса, унда қабул қилаётган банк мижоз тўғрисидаги маълумотларни 2-сўров тури «1» белгиси билан шакллантириб БДМАБга узатиши шарт.

2-сўров ва жавоб тури кўрсаткичлари рўйхати 4-иловада келтирилган.

3-сўров тури. «Ҳисобварақлардан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш ва ҳисобварақ ҳолати бўйича маълумот»

28. 3-сўров тури қонунчиликда кўзда тутилган ҳужжатларга асосланган ҳолда, ҳисобварақлардан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш учун ва уларнинг ҳолати бўйича БДМАБ базасидан фойдаланувчиларга тегишли маълумотни узатиш учун банк томонидан шакллантирилади.

29. Барча ҳисобварақлардан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш бўйича сўров фақат асосий депозит ҳисобварағини очган банк томонидан қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллардагина шакллантирилади.

30. Аниқ бир ҳисобварақдан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш учун сўров турини, ушбу ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкнинг ўзигина шакллантириши мумкин.

31. Аниқ бир ҳисобварақдан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туришга 3-сўров турида кўрсатилган барча маълумотлар БДМАБга узатилади.

32. Аниқ бир баланс ҳисобварағида очилган миқдорнинг барча ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туришда, валюта коди ўрнига «VVV» узатилади, ҳисобварақнинг тартиб рақами ўрнига учта нол — «000» кiritилади. Агар, миқдорнинг маълум бир валютадаги барча ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш зарур бўлса, у ҳолда валюта коди «VVV» ўрнига, тегишли валюта коди узатилади.

33. Миқдорнинг барча турдаги валюталари бўйича барча ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туришда баланс ҳисобварағи ўрнига бешта нол — «00000», валюта коди ўрнига — «VVV» ва ҳисобварақнинг тартиб рақами ўрнига учта нол — «000» берилади.

34. БДМАБнинг маълумотлар базасида 3-сўров тури қайта ишлангандан кейин, ҳисобварақлар вазиятининг «ҳаракатда»ги мақоми «вақтинча тўхтатилган» мақомига ўзгаради. БДМАБ 3-сўров турини шакллантирган банкка ҳисобварақлар ва банклар рўйхатини тегишли жавоб билан қайтаради ҳамда ҳисобварақдан маблағларни ҳисобдан чиқариш амаллари тўхтатилади. Шу билан бир вақтнинг ўзида бошқа бир банкнинг сўрови бўйича ҳисобварақлардан вақтинча ҳисобдан чиқариш амаллари тўхтатилган банкларга, қўйидагиларни ўз ичига олган жавоб файллари (банкларнинг маълумотлар базасини янгилаш учун) жўнатилади:

а) ҳисобварақдан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиш учун сўровни жўнатган банк коди;

б) ҳисобварақдан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиш учун асос;

в) асос берилган сана;

г) ҳисобварақдан маблағларни ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилганлик сабаб белгиси;

д) миқдорнинг ҳисобварағи;

е) ҳисобварақдан маблағларни ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган сана;

ё) охириги маротаба фаолият кўрсатган санаси.

35. БДМАБдан, миқдорнинг банк ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш

риш амалларини вақтинча тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумот олинганда, ҳисобварақдан маблағларни ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган санаси банкнинг маълумотлар базасига дастурий равишда киритилади. Ушбу ҳисобварақлар бўйича маблағларни ҳисобдан чиқариш амаллари ҳисобварақларни ҳаракатга келтириш тўғрисида маълумот олингунга қадар вақтинча тўхтатилади ёки асосий ҳисобварақ очган банкнинг асосланганди электрон мурожаатномасига биноан иккиламчи ҳисобварақлардаги маблағни асосий ҳисобварақига ўтказиб беради.

36. Иккиламчи ҳисобварақлардан маблағларни мижознинг розилигисиз (қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно) асосий ҳисобвараққа кўчирилиши бўйича жавобгарлик электрон мурожаатномани юборган банк зиммасига юклатилади.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 7-сон, 35-модда) асосан савдо ва савдо воситачилик билан шуғулланувчи корхоналар 3 ой ҳамда бошқа корхоналар 6 ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги бўйича ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банк томонидан БДМАБга, БДМАБдан эса Давлат солиқ қўмитаси учун электрон маълумот узатилади.

Бунда, БДМАБ базасига «3» ва «6» белгилар қўйиб жўнатилган 3-сўров тури, фақат Давлат солиқ органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар тўғрисида маълумот сифатида киритиб қўйилади.

3-сўров ва жавоб тури кўрсаткичлари рўйхати 5-иловада келтирилган.

4-сўров тури. «Ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатиб турилган ҳисобварақларни ҳаракатга келтириш»

38. 4-сўров тури банк томонидан мижознинг ҳисобварақидан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатилган ҳолатдан ҳисобдан чиқаришга рухсат этилишида, яъни ҳаракатга келтиришда шакллантирилади. Ушбу сўров тури фақат БДМАБга 3-сўров турини жўнатган банклар томонидан шакллантирилади.

39. Мижознинг аниқ бир ҳисобварақидан маблағларни ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақни ҳаракатга келтиришда барча кўрсатилган реқвизитлар 4-сўров турига киритилади.

40. Аниқ бир баланс ҳисобварағи бўйича мижозларнинг барча ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақларини ҳаракатга келтиришда, валюта коди ўрнига «VVV», тартиб рақами ўрнига учта нол — «000» киритиб узатилади. Агар мижознинг маълум бир валюта бўйича барча ҳисобварақларини ҳаракатга келтириш зарур бўлса, у ҳолда валюта коди «VVV» ўрнига тегишли валюта коди киритиб узатилади.

41. Мижознинг барча валюталар бўйича ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган барча ҳисобварақларини ҳаракатга келтиришда баланс ҳисобварағи ўрнига бешта нол — «00000», валюта коди ўрнига — «VVV», ҳисобварақнинг тартиб рақами ўрнига учта нол — «000» берилади.

42. БДМАБнинг маълумотлар базасида 4-сўров тури қайта ишлангандан кейин ҳисобварақлар «вақтинча тўхтатилган» мақомидан «ҳаракатда»ги мақомига алмаштирилади ва банкка ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақларни ҳаракатга келтирилганлиги тўғрисида банклар рўйхати билан жавоб

қайтарилади ҳамда ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақлар ҳаракатга келтирилади. Шу билан бир вақтнинг ўзида бошқа бир банкнинг сўрови бўйича ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақларни ҳаракатга келтирилганлиги тўғрисида банкларга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган жавоб файллари (банкларнинг маълумотлар базасини янгилаш учун) жўнатилади:

- а) ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақларни ҳаракатга келтириш учун сўровни жўнатган банк коди;
- б) ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақларни ҳаракатга келтириш учун асос;
- в) асос берилган сана;
- г) ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатилган ҳолатдан, ҳаракатга келтириш сабаби белгиси;
- д) мижознинг ҳисобварағи;
- е) ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган сана;
- ё) ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақларнинг ҳаракатга келтирилган санаси.

43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 7-сон, 35-модда) асосан савдо ва савдо воситачилик билан шуғулланувчи корхоналар 3 ой ҳамда бошқа корхоналар 6 ой фаолият кўрсатмаган ҳолда маълумот жўнатилгандан сўнг тўловлар амалга оширилса, дастурий равишда 4-сўров «13» ёки «16» белги, шунингдек тўлов амалга оширилган санани кўрсатган ҳолда шакллантирилиб БДМАБга Давлат солиқ қўмитаси учун электрон маълумот сифатида узатилади.

Бунда, БДМАБ базасига «13» ва «16» белгилар қўйиб жўнатилган 4-сўров тури, фақат Давлат солиқ органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар ҳисобварақларидан тўловлар амалга оширилганлиги тўғрисида маълумот сифатида киритиб қўйилади.

44. БДМАБдан мижознинг ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақларини ҳаракатга келтириш тўғрисидаги хабар олинганда, ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақларни ҳаракатга келтириш санаси банкнинг маълумотлар базасига киритилади ва ушбу ҳисобварақлар бўйича ҳисобдан чиқариш амалларини бажаришга рухсат этилади.

4-сўров ва жавоб тури кўрсаткичлари рўйхати 6-иловада келтирилган.

5-сўров тури. «Мижознинг БДМАБдаги маълумотларини ўзгартириш»

45. 5-сўров тури фақат мижознинг асосий депозит ҳисобварағи очилган банк томонидан мазкур Низомнинг 18-бандида кўрсатилган маълумотлардан биронтаси ўзгарганда шакллантирилади.

46. БДМАБда 5-сўров тури орқали мижознинг барча олдинги тарихий тавсифномалари сақланган ҳолда маълумотлари янгиланади.

5-сўров ва жавоб турлари кўрсаткичлари рўйхати 7-иловада келтирилган.

6-сўров тури. «Асосий ҳисобварақни бошқа банкка кўчириш»

47. 6-сўров тури миждознинг асосий депозит ҳисобварағини хизмат кўрсатувчи банк томонидан бошқа банкка ўтказилишида шакллантирилади.

48. Миждознинг асосий депозит ҳисобварағини хизмат кўрсатувчи банкдан бошқа банкка кўчирилишида:

а) миждоз бошқа банкка ўтаётганда банк миждознинг аризаси ва қабул қилаётган банкнинг розилик хатига асосан, унинг асосий депозит ҳисобварағидаги қолдиқни бошқа банкка, яъни қабул қилаётган банкнинг хатида кўрсатилган 29801 — «Миждозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағига ўтказлади. Ўзида очилган асосий депозит ҳисобварақни 6-сўров турини шакллантириб, шу қуннинг ўзидаёқ БДМАБга жўнатади. БДМАБга 6-сўров тури келиб тушганда ҳисобварақ мақоми «актив»дан «бошқа банкка кўчирилмоқда» ҳолатига ўзгартирилади;

б) миждозни қабул қилаётган банк розилик хати беришдан олдин миждоздан ариза ва имзо намуналари варақчасини қабул қилади ҳамда миждознинг ёпиладиган ҳисобварағидаги қолдиқни қабул қилиш учун ўзида 29801 — «Миждозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағини очиши шарт. Қолдиқлар, ушбу ҳисобвараққа келиб тушгандан сўнг, кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда ҳисобварақни қабул қилаётган банк миждознинг аризасига ҳамда унинг юридик йиғма жилди, имзо намуналари варақчасидаги маълумотларга асосланган ҳолда, БДМАБга миждознинг хос рақами бўйича унга асосий депозит ҳисобварақ очиш учун 2-сўров турини «кўчирилган» белги, яъни «1» белги билан жўнатиши шарт. Бунда БДМАБдан сўраладиган реквизитлар бўйича ҳисобварақнинг мавжудлиги «кўчирилган» белги, яъни «1» белги билан текширилади ва ушбу реквизитлар ўзгартирилмаган ҳолда (назорат калитидан ташқари) янги ҳисобварақ очилади;

в) агарда, асосий ҳисобварақни қабул қилаётган банк миждозга розилик хати бериб 6-сўров жўнатилгандан сўнг, икки банк иш куни ичида 2-сўров тури билан ҳисобварақ очмаса, БДМАБ учинчи банк иш куни 6-сўров турини жўнатган банкка асосий ҳисобварақ кўчирилмаганлиги тўғрисида маълумот жўнатади ҳамда ҳисобварақ «бошқа банкка кўчирилмоқда» ҳолатидан яна «актив» ҳолатига қайтарилади;

г) миждознинг асосий депозит ҳисобварағи бир банкдан бошқа банкка кўчирилганда иккиламчи депозит ҳисобварақлар ёпилмайди ва асосий депозит ҳисобварақнинг назорат калитидан ташқари барча маълумотлар ўзгармаган ҳолда сақлаб қолинади;

д) миждознинг асосий ҳисобварағи 2-сўров тури билан бошқа банк томонидан қабул қилингандан сўнг, БДМАБдан 6-сўров турини жўнатган банкка ҳисобварақ ёпилганлиги ҳамда БДМАБда ҳисобварақ мақоми «актив» дан «бошқа банкка кўчирилган» мақомига ўзгартирилганлиги тўғрисида маълумот жўнатилади.

49. БДМАБдан жавоб файли олингандан сўнг, ушбу ҳисобварақ бўйича сўровни жўнатган банкда ҳисобварақнинг кўчирилган санаси дастурий равишда банкнинг маълумотлар базасига киритилади. Шундан сўнг ҳисобварақ «ёпилган ва бошқа банкка кўчирилган» мақомини олади ҳамда ушбу ҳисобварақдан тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

6-сўров ва жавоб тури кўрсаткичлари рўйхати 8-иловада келтирилган.

7-сўров тури. «Миждознинг ҳисобварағини ёпиш»

50. 7-сўров тури миждознинг ҳисобварағини ёпиш учун банк томонидан шакллантирилади.

51. Агар мижознинг асосий депозит ҳисобварағи ёпилаётган бўлса, қайси валютада бўлишидан қатъи назар, мижознинг хос рақами билан очилган барча ҳисобварақлари ёпилиши шарт, акс ҳолда, мижознинг асосий депозит ҳисобварағи ёпилмайди.

52. Мижознинг асосий ҳисобварағини ёпишдан олдин банк БДМАБга 8-сўров турини жўнатиб, мижознинг бошқа банкларда очилган барча ҳисобварақлари тўғрисида маълумот олади ва ушбу банкларга электрон почта орқали ҳисобварақни ёпишга асос бўлган ҳужжат рақами ва санасини кўрсатиб хат жўнатади.

53. Хатни олган банк мижознинг иккиламчи ҳисобварақларини, агар қолдиғи бўлмаса ушбу хатга асосланиб ёпади, агар ҳисобварақда қолдиқ мавжуд бўлса, унинг асосий ҳисобварағига кўчиради ва шундан сўнг ҳисобварақни ёпади. Бошқа банкларда иккиламчи ҳисобварақларни ёпилишига ҳисобварақни ёпиш учун асослангирган хат берган банк ҳамда мижознинг ўзи жавобгардир.

54. 7-сўров тури олинганда ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкка сўров қабул қилинганлиги тўғрисида шу куннинг ўзида жавоб қайтарилади, кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда 7-сўров турига асосан БДМАБда кўрсатилган ҳисобварақ мақоми «ҳаракатдаги» дан «ёпилган»га ўзгартирилади ҳамда банкларга бу ҳақда маълумот узатилади.

55. Банк БДМАБда ҳисобварақларни ёпишда, 7-сўров тури билан унга асос бўлган 1-иловадаги белгилардан тегишлисини кўрсатиши шарт.

7-сўров ва жавоб тури кўрсаткичлари рўйхати 9-иловада келтирилган.

8-сўров тури. «Мижознинг бошқа банкларда очган ҳисобварақлари рўйхатини олиш»

56. 8-сўров тури мижознинг бошқа банкларда барча валюта кодлари бўйича очган ҳисобварақлари рўйхатини олиш учун мўлжалланган.

57. Мижознинг барча депозит ҳисобварақлари рўйхатини олиш учун 8-сўров турини фақатгина мижознинг асосий депозит ҳисобварағини очган банкнинг ўзигина шакллантириши мумкин.

58. Ссуда ва махсус (232ХХ) транзит ҳисобварақлари рўйхатини олиш учун 8-сўров турини шу мижозга хизмат кўрсатувчи барча банк филиаллари юбориши мумкин. Ҳисобварақлар тўғрисида олинган маълумотлар «Банк сири» тўғрисидаги қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 144-модда) талаблари асосида сир сақланиши лозим.

59. Аниқ бир баланс ҳисобварағи (талаб қилиб олингунча депозит, ссуда ва бошқа ҳисобварақлар) рўйхатини олиш учун, сўровда ушбу баланс ҳисобварақ рақами кўрсатилади.

60. Мижозларнинг бошқа банкларда очилган барча банк ҳисобварақлари рўйхатини олиш учун асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат қилувчи банк томонидан баланс ҳисобварағи ўрнига бешта нол — «00000» узатилади.

БДМАБда сўров тури таҳлил қилинади ва мижознинг сўралган ҳисобварақлари билан банклар кодини кўрсатган ҳолда, сўров жўнатган банкка жавоб қайтарилади.

8-сўров ва жавоб турлари кўрсаткичлари рўйхати 10-иловада келтирилган.

9-сўров тури. «Мижознинг хос рақами фаоллигини тугатиш»

61. 9-сўров тури — банк томонидан юридик шахслар фаолиятини тугатиш вақтида шакллантирилади. Бундай ҳолларда, банклар тегишли ҳужжат (давлат

реестридан/рўйхатидан чиқарилганлиги ҳақида қарор нусхаси)га асосланган ҳолда, мижознинг хос рақами фаоллигини тўхтатади ва ушбу ҳолат БДМАБда қайд этилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига берилган хос рақамлар бекор қилинган вақтида ҳам 9-сўров тури шакллантирилиши мумкин бўлиб, уларга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами бекор қилингани тўғрисида маълумот давлат солиқ органидан олингандагина амалга оширилади.

62. Бунда мижознинг барча ҳисобварақлари БДМАБда қуйидаги тартибда ёпилади:

а) мижознинг асосий депозит ҳисобварағини очган банк унинг бошқа банкларда очилган барча ҳисобварақлари рўйхатини 8-сўров тури билан олиши керак;

б) мижознинг хос рақами фаоллигининг тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши муносабати билан банкларга мижознинг иккиламчи депозит ва бошқа ҳисобварақларидаги қолдиқларини (агар бор бўлса) асосий депозит ҳисобварағига ўтказиб ёпиши тўғрисида асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк хабардор қилиши шарт.

в) мижознинг депозит ва бошқа ҳисобварақларини ёпиш 7-сўров тури билан амалга оширилади;

г) мижознинг хос рақами фаоллиги 9-сўров тури билан тўхтатилади.

63. Мижознинг хос рақами фаоллигини тўхтатишда, унинг барча ҳаққоний маълумотлари дастурий равишда БДМАБнинг маълумотлар базасидан электрон архив базасига ўтказилади.

9-сўров ва жавоб турлари кўрсаткичлари рўйхати 11-иловада келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

БДМАБга тегишли сўровнома жўнатишда, ҳисобварақларни очишда ва қайта очишда, актив операцияларини вақтинча тўхтатишда, уларни ҳаракатга келтиришда, бошқа банкка кўчиришда ва ёпишда ҳамда ДСҚ учун маълумот узатилишида, қуйидаги белгилар мажбурий равишда сўровноманинг тегишли катакчасида кўрсатилиши шарт:

«0» белги — Банклар томонидан иккиламчи ҳисобварақ очишда БДМАБга узатилади;

«1» белги — Банклар мижознинг аризасига биноан унинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказилганда ёки ўтказиш вақтида ҳисобварақни қабул қилган банк розилик берганда узатилади;

«2» белги — Қонунчиликда белгиланган тартибда, мижознинг асосий ҳисобварағида 2-картотека вужудга келган ҳолда, уларнинг иккиламчи ҳисобварақларидаги маблағларини асосий ҳисобварағига жамлаш мақсадида, уларнинг иккиламчи ҳисобварақларидан актив операцияларни вақтинча тўхтатиб туриш бўйича маълумот дастурий равишда шакллантирилиб, БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига ва барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади;

«3» белги — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғар-

маларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги низомига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 7-сон, 35-модда) асосан молия-хўжалик фаолиятини 3 ой мобайнида амалга оширмаган савдо ва савдо воситачилик корхоналари бўйича маълумот Давлат солиқ қўмитаси ҳамда барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади;

«4» белги — Хўжалик судининг қарорига биноан хўжалик юритувчи субъектларнинг барча ҳисобварақларидан актив операцияларни вақтинча тўхтатиб туриш бўйича банд солинганда ва/ёки уларни ёпишда БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига ва барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга хабар узатилганда;

«5» белги — ёпилган асосий депозит ҳисобварақни қайта очиш;

«6» белги — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги низомига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 7-сон, 35-модда) асосан молия-хўжалик фаолиятини 6 ой мобайнида амалга оширмаган («3» белгида кўзда тутилган корхоналардан ташқари) корхоналар бўйича маълумот Давлат солиқ қўмитаси ҳамда барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади;

«7» белги — Фуқаролик кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова) 788-моддасига биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк томонидан 1 йилдан ортиқ фаолият кўрсатмаган корхона ва ташкилотларни хўжалик судининг қарорига биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг иккиламчи ҳисобварақларидан актив операцияларини вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳамда банк олдидаги мажбуриятларини қондириш учун иккиламчи ҳисобварақларидан асосий ҳисобварағига маблағ жамлаш вақтида БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига ва барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади;

«8» белги — хўжалик юритувчи субъектни ихтиёрий тугатиш вақтида, унинг маблағларини тугатиш комиссияси ихтиёрига ўтказиш учун, иккиламчи ҳисобварақ қолдиқларини асосий ҳисобварағига йиғишда, иккиламчи ҳисобварақлардан актив операциялар вақтинча тўхтатилиб, БДМАБ орқали барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади;

«9» белги — банкрот деб эълон қилинган корхона ва ташкилотларни иккиламчи ҳисобварақларидаги маблағларини тугатиш комиссияси (ташқи бошқарувчи) ихтиёрига ўтказиш учун маблағларни асосий ҳисобвараққа йиғишда БДМАБ орқали барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади;

«10» белги — 6-сўровномада асосий ҳисобварақни қабул қилиши кўрсатилган банк томонидан асосий ҳисобварақни қабул қилиш тўғрисида «1» белги билан 2-сўровнома шакллантирилиб, БДМАБга икки кун муддатда узатилмаган тақдирда, БДМАБ томонидан дастурий равишда ушбу белги шакллантирилиб, 6-сўровнома узатган банкка асосий ҳисобварақ ёпилмаганлиги ва бошқа банкка кўчирилмаганлигини маълум қилган ҳолда узатилади;

«11» белги — Фуқаролик кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова) 788-моддасига биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк томонидан 1 йилдан ортиқ фаолият кўрсатмаган корхона ва ташкилотларни хўжалик судининг қарорига биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг банк олдидаги мажбуриятларини қондириш учун иккиламчи ҳисобварақларидан асосий ҳисобварағига маблағ жамлаб бўлингандан сўнг хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва иккиламчи

ҳисобварақлари ёпилганда БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига ва барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади;

«12» белги — хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағидаги мажбуриятлари тўлиқ тугатилганда ҳамда қонунчиликка мувофиқ давлат солиқ органларининг тақдимномасига биноан банд қилинган иккиламчи ҳисобварақлар ҳаракатга келтирилганда;

«13» белги — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги низомига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 7-сон, 35-модда) асосан 3 ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини кўрсатмаган савдо ва савдо воситачилик корхоналарининг ҳисобварағидан операциялар амалга оширилганда БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига маълумот сифатида узатилади;

«14» белги — Хўжалик судининг қарорига биноан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларига солинган банд бекор қилинганда;

«15» белги — Фуқаролик кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова) 788-моддасига биноан, мижознинг ўз аризасига биноан ҳисобварақлар ёпилганда БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига маълумот сифатида узатилади;

«16» белги — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги низомига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 7-сон, 35-модда) асосан 6 ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини кўрсатмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг («13» белгида кўзда тутилган корхоналардан ташқари) ҳисобварақларидан операциялар амалга оширилганда БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига маълумот сифатида узатилади;

«17» белги — Фуқаролик кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова) 788-моддасига биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк томонидан 1 йилдан ортиқ фаолият кўрсатмаган корхона ва ташкилотларни хўжалик судининг қарорига биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг банк олдидаги мажбуриятларини қондириш учун иккиламчи ҳисобварақларидан асосий ҳисобварағига маблағ жамлаш вақтида актив операцияларини вақтинча тўхтатиб қўйилган иккиламчи ҳисобварақлари қайта ҳаракатга келтирилганда БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига ва барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади;

«18» белги — Ўзини-ўзи тугатиш вақтида унинг иккиламчи ҳисобварақларидаги маблағларини асосий ҳисобварағига жамлаб бўлинганда ва уларни БДМАБда ёпилгандан сўнг узатилади;

«19» белги — Банкрот деб эълон қилинган корхона ва ташкилотларни иккиламчи ҳисобварақларидаги маблағларини асосий ҳисобварағига жамлаб бўлинганда ҳамда уларни БДМАБда ҳаракатга келтирилгандан ва /ёки ёпилгандан сўнг узатилади;

«20» белги — Банк ликвидация қилиниши муносабати билан мазкур банк томонидан хизмат кўрсатиладиган мижоз ҳисобварақлари БДМАБда дастурий равишда ёпилганда БДМАБ томонидан узатилади.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Мижозни идентификациялаш

0-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	–	+
2.	Мижознинг мақоми	+	+
3.	Мижознинг номи	–	+
4.	Мижоз тури	–	+
5.	Резидентлик белгиси	–	+
6.	Мамлакат коди	–	+
7.	Рўйхатга олган ташкилот номи	–	+
8.	Рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами	–	+
9.	Рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома санаси	–	+
10.	Рўйхатга олган ташкилотнинг вилоят коди	+	+
11.	Рўйхатга олган ташкилотнинг туман коди	+	+
12.	Ташкилий-ҳуқуқий шакли коди	–	+
13.	Мулкчилик шакли коди	–	–, +
14.	Манзил коди	–	–, +
15.	Юридик шахс коди	–	–, +
16.	Тармоқ коди	–	–, +
17.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами	+	+
18.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	–	+
19.	Ҳисобварақ очилган сана	–	+
20.	Мижозга ҳисобварақ очган банк коди	–	+
21.	Бош корхонанинг номи	–	–, +
22.	Бош корхонанинг БДМАБдаги хос рақами	–	–, +
23.	Бош корхонанинг СТИРи	–	–, +
24.	Ҳисобварақ ҳолати	–	+

Изоҳ: 7, 8, 9, 10, 11-кўрсаткичларда сўралган маълумотлар туридан бюджет ташкилотлари мустасно.

Низом жадвалидаги «+» ва «–» ишоралар қуйидаги маънони билдиради:

«+» — сўров (жавоб) таркибига киради;

«–» — сўров (жавоб) таркибига кирмайди;

«–, +» — сўров таркибига кириши ёки кирмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Мижозларга хос рақам бериш ва асосий депозит ҳисобварақ очиш

1-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	—	+
2.	Мижознинг мақоми	+	+
3.	Мижознинг номи	+	+
4.	Мижоз тури	+	+
5.	Резидентлик белгиси	+	+
6.	Мамлакат коди	+	+
7.	Рўйхатга олган ташкилот номи	+	+
8.	Рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами	-, +	-, +
9.	Рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома санаси	-, +	-, +
10.	Рўйхатга олган ташкилотнинг вилоят коди	+	+
11.	Рўйхатга олган ташкилотнинг туман коди	+	+
12.	Ташкилий-ҳуқуқий шакли коди	-, +	-, +
13.	Мулкчилик шакли коди	+	-, +
14.	Манзил коди	-, +	-, +
15.	Юридик шахс коди	-, +	-, +
16.	Тармоқ коди	-, +	-, +
17.	Мижознинг СТИРи	+	+
18.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	—	+
19.	Баланс ҳисобварағи	+	+
20.	Валюта коди	+	+
21.	Мижознинг ҳисобварағи	—	+
22.	Ҳисобварақ очилган сана	—	+
23.	Ҳисобварақнинг тартиб рақами	-, +	+
24.	Бош корхонанинг номи	-, +	+
25.	Бош корхонанинг БДМАБдаги хос рақами	-, +	+
26.	Бош корхонанинг СТИРи	-, +	+

Изоҳ: Агар рўйхатдан ўтказиладиган мижоз бош корхонага эга бўлмаса, у ҳолда 22, 23, 24-кўрсаткичлар кўрсатилмайди ва уларнинг ўрнига «0» — нол узатилади. Сўров турининг 10, 11, 12, 13, 14-кўрсаткичларида сўралган маълумотларни юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари учун узатилмайди.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Мижозларга уларнинг хос рақами билан
ҳисобварақлар очиш**

2-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	–	+
2.	Мижознинг номи	–	+
3.	Мижоз тури	–	+
4.	Резидентлик белгиси	–	+
5.	Мамлакат коди	–	+
6.	Рўйхатга олган ташкилот номи	–	+
7.	Рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами	–	+
8.	Рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома санаси	–	+
9.	Ташкилий-ҳуқуқий шакли коди	–	+
10.	Мулкчилик шакли коди	–	+
11.	Манзил коди	–	+
12.	Юридик шахс коди	–	+
13.	Тармоқ коди	–	+
14.	Мижознинг СТИРи	–	+
15.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	+	+
16.	Баланс ҳисобварағи	+	+
17.	Валюта коди	+	+
18.	Мижознинг ҳисобварағи	–	+
19.	Ҳисобварақ очилган сана	–	+
20.	Ҳисобварақнинг тартиб рақами	+	+
21.	Бош қорхонанинг номи	–, +	+
22.	Бош қорхонанинг БДМАБдаги хос рақами	–, +	+
23.	Бош қорхонанинг СТИРи	–, +	+
24.	Ҳисобварақ очиш белгиси мажбурий	+	+

Изоҳ: Ҳисобварақ очилиши белгиси қуйидаги маънони билдиради:

- 1) «0» **белги** — иккиламчи ҳисобварақ очишда кўрсатилади;
- 2) «1» **белги** — 6-сўров тури билан бошқа банкдан ўтказилган талаб қилиб олинган асосий депозит ҳисобварақни очишда кўрсатилади,
- 3) «5» **белги** — 7-сўров тури билан ёпилган асосий депозит ҳисобварақни қайта очишда кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Ҳисобварақлардан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш

3-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	–	+
2.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	+	+
3.	Баланс ҳисобварағи	+	+
4.	Валюта коди	+	+
5.	Ҳисобварақнинг тартиб рақами	+	+
6.	Ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиш учун асос	+	+
7.	Асос берилган сана	+	+
8.	Ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган сана	–	+
9.	Банк коди	–	+
10.	Мижознинг ҳисобварағи	–	+
11*.	Ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилганлик сабаби белгилари мажбурий	+	+
12*.	Мижоз ҳисобварағидан охириги маротаба операция амалга оширилган сана	+	+

Изоҳ: 11* каттакчада — ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиш сабаби белгилари, мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган «2», «3», «4», «6», «7», «8», «9» белгилардан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатиб турилган ҳисобварақларни ҳаракатга келтириш

4-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	–	+
2.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	+	+
3.	Баланс ҳисобварағи	+	+
4.	Валюта коди	+	+
5.	Ҳисобварақнинг тартиб рақами	+	+
6.	Ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақни ҳаракатга келтириш учун асос	+	+
7.	Асос берилган сана	+	+

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

4-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
8.	Ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган сана	–	+
9.	Ҳисобдан чиқариш амаллари вақтинча тўхтатилган ҳисобварақни ҳаракатга келтириш санаси	–	+
10.	Банк коди	–	+
11.	Мижознинг ҳисобварағи	–	+
12*.	Ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатилган ҳолатдан, ҳаракатга келтириш белгиси мажбурий	+	+

Изоҳ: 12* каттакчада — ҳисобварақдан ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатилган ҳолатдан, ҳаракатга келтириш белгилари мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган: «12», «13», «14», «16», «17», «18», «19» белгиларидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Мижозларнинг БДМАБдаги маълумотларини ўзгартириш

5-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	–	+
2.	Мижознинг номи	+	+
3.	Мижоз тури	+	+
4.	Мижознинг ҳаққоний маълумотларини ўзгартириш учун асос	–	+
5.	Мижознинг СТИРи	–	+
6.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	+	+
7.	Рўйхатга олган ташкилот номи	+	+
8.	Рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами	+	+
9.	Рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома санаси	+	+
10.	Рўйхатга олган ташкилотнинг вилоят коди	+	+
11.	Рўйхатга олган ташкилотнинг туман коди	+	+
12.	Ташкилий-ҳуқуқий шакли коди	–, +	+
13.	Мулкчилик шакли коди	+	+
14.	Манзил коди	–, +	+
15.	Юридик шахс коди	–, +	+
16.	Тармоқ коди	–, +	+
17.	Резидентлик белгиси	+	+
18.	Мамлакат коди	+	+
19.	Ҳаққоний маълумотларнинг ўзгариш санаси	–	+
20.	Бош корхонанинг СТИРи	–, +	+
21.	Бош корхонанинг БДМАБдаги хос рақами	–, +	+
22.	Бош корхонанинг номи	–	+

5-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
23.	Бюджет ташкилотининг эски асосий бюджет ҳисобварағи	+	+
24.	Бюджет ташкилотининг янги асосий бюджетдан ташқари ҳисобварағи	+	+
25.	Асосий ҳисобварақ ўзгартирилган сана	–	+

Изоҳ: 23-катакчада — Бюджет ташкилотининг эски асосий бюджет ҳисобварағи (23404, 23426, 23430, 23432).

24-катакчада — Бюджет ташкилотининг янги асосий бюджетдан ташқари ҳисобварағи (20203, 20204, 21502, 21504, 21506)

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Асосий ҳисобварақни бошқа банкка кўчириш

6-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	–	+
2.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	+	+
3.	Мижознинг ҳисобварағи	+	+
4.	Ҳисобварақ ўтказилаётган банкнинг коди	+	+
5.	Ҳисобварақ кўчирилган сана	–	+
6.	Мижознинг аризасига биноан белгиси мажбурий	+	+
7.	Ҳисобварақни қабул қилаётган банк розилиги	–	+
8.	Ҳисобварақ очилган сана	–	+

6-катакчада «1» — мижознинг аризасига биноан бошқа банкка ўтказилганлик белгиси;

7-катакчада «1» — ҳисобварақни қабул қилган банкнинг розилик белгиси;

«10» белги — 6-сўровномада асосий ҳисобварақни қабул қилиши кўрсатилган банк томонидан асосий ҳисобварақни қабул қилиш тўғрисида «1» белги билан 2-сўровнома шакллантирилиб, БДМАБга икки кун муддатда узатилмаган тақдирда, БДМАБ томонидан дастурий равишда ушбу белги шакллантирилиб, 6-сўровнома узатган банкка асосий ҳисобварақ ёпилмаганлиги ва бошқа банкка кўчирилмаганлигини маълум қилган ҳолда узатилади.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Мижозларнинг ҳисобварақларини ёпиш

7-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	–	+
2.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	+	+
3.	Мижознинг ҳисобварағи	+	+
4.	Ҳисобварақнинг ёпилиш санаси	–	+
5*.	Ҳисобварақни ёпишнинг асос белгиси мажбурий	+	+

Изоҳ: 5* катакчада — Ҳисобварақни ёпиш белгилари мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган «3», «4», «6», «11», «15», «18», «19», «20» белгиларидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

Мижозларнинг бошқа банкларда очган ҳисобварақлари рўйхатини олиш

8-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	–	+
2.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	+	+
3.	Баланс ҳисобварағи	+	+
4.	Банк коди	–	+
5.	Мижознинг ҳисобварағи	–	+

Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

Мижознинг хос рақами фаоллигини тугатиш

9-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
1.	Бажарилиш белгиси	–	+
2.	Мижознинг БДМАБдаги хос рақами	+	+
3.	Мижознинг СТИРи	+	+

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

9-сўров тури			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сўров	Жавоб
4.	Мижознинг хос рақами фаоллигини тўхтатиш санаси	+	+
5.	Мижознинг хос рақами фаоллигини тўхтатишга асос ва унинг рақами	+	+
6.	Асос санаси	+	+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
 НАЗОРAT ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
 БУЙРУҒИ

415 Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари (ЎзР АҚ-160)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
 7 октябрда 1734-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 17 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи меъерий ҳужжатларни ИКАО стандартлари ва тавсияларини инobatга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари (ЎзР АҚ-160)га (2007 йил 29 октябрь, рўйхат рақами 1734 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 448-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат
 қилиш давлат инспекцияси бошлиғи**

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
 2008 йил 3 сентябрь,
 188-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Парвозлар хавфсизлигини назорат
қилиш давлат инспекцияси бошлигининг
2008 йил 3 сентябрдаги
188-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси
аэродромларини сертификатлаш қоидалари (ЎЗР АҚ-160)га
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 12-банд қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:
«г) Аэродром бўйича қўлланма (4-иловага мувофиқ).».
2. 57-банд қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банд билан тўлдирилсин:
«ж) мазкур Қоидаларнинг 3-илласида кўрсатилган сертификат олиш (узайтириш) учун асословчи ҳужжатлар Рўйхати бўйича тақдим қилинадиган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилигини таъминлаш.».
3. Қуйидаги мазмундаги тўққизинчи параграф билан тўлдирилсин:

«9 §. Аэродром сертификатининг бошқа шахсга берилиши

45¹. Дававианазорат аэродром сертификатининг бошқа эксплуатантга берилишига розилик бериши мумкин, агарда:

а) аэродром сертификатининг эгаси аэродром эксплуатациясининг тугашидан камидан 10 кун олдин Дававианазоратга ёзма равишдаги билдиришнома билан аэродромнинг эксплуатацияси мазкур билдиришномада кўрсатилган муддатда тугатилиши тўғрисида хабар берганда;

б) аэродром сертификатининг эгаси Дававианазоратга тақдим этилган ёзма равишдаги билдиришномада сертификат берилаётган янги эксплуатантнинг номини кўрсатганда;

в) аэродром сертификати берилаётган эксплуатант аэродром сертификатининг илгариги эгаси аэродром эксплуатациясини тугатишидан олдин 10 кун муддатдан кечикмаган ҳолда Дававианазоратга аэродром эксплуатациясини амалга ошириш учун ёзма равишда ариза тақдим этганда.

45². Дававианазорат аэродром сертификати берилиши лозим бўлган эксплуатантнинг аризаси келиб тушган кундан бошлаб 20 кун ичида аэродром сертификатининг бошқа эксплуатантга берилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда аэродром сертификати эгасини ва сертификат берилиши лозим бўлган эксплуатантни ёзма равишда хабардор қилади.

45³. Дававианазорат аэродром сертификати берилиши режалаштирилган эксплуатантнинг аэродром эксплуатацияси ва техник хизмат кўрсатиш ишларини тегишлича амалга ошириш имкониятига эгаллигига ишонч ҳосил қилмаса ёки аэродром сертификатининг бошқа шахсларга берилиши аэродромнинг эксплуатацияси жиҳатидан катта ўзгаришларга (масалан, учиш-қўниш йўлаклари, бурилиш йўлаклари ва перронда ўрнатиладиган воситалар сонининг камайишига, мавжуд аэродром сертификатида кўрсатилган эксплуатация шартларининг ўзгаришига, ходимлар сонининг камайишига) олиб келса, аэродром сертификатининг бошқа шахсларга берилишига розилик бермаслиги мумкин.

45⁴. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ аэродром сертификати аэродром эгасининг ўзгариши натижасида ҳам бошқа шахсларга берилиши мумкин.».

4. 3-илованинг 5-қисми қуйидаги мазмундаги «з» кичик банд билан тўлдирилсин:

«з) ёнғинга қарши хизматларнинг ходимлари билан назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш учун ўқув-техника базасининг (жиҳозланган синф, полигон, тутун камераси, ҳисобдан чиқарилган ХҚнинг фюзеляжи ва ҳ. к.) мавжудлиги.»

5. Қуйидаги мазмундаги 4-илова билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва
экспериментал авиацияси аэродромларини
сертификатлаш қоидаларига
4-ИЛОВА

Аэродром бўйича қўлланманинг мазмуни бўйича минимал талаблар

Аэродром бўйича қўлланмада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- а) аэродром тўғрисидаги умумий маълумотлар;
- б) аэродромнинг жойлашиш майдони тўғрисидаги маълумотлар;
- в) авария ҳолатлари бўйича тадбирлар режаси;
- г) ёнғинга қарши курашиш чоралари ҳамда қутқарувни ташкил этиш бўйича маълумотлар;
- д) эксплуатант томонидан аэродромнинг, аэродромдаги ишчи майдонининг ва тўсиқлар баландлигининг кузатилиши ва назорат қилиниши;
- е) аэродромнинг визуал воситалар ва электр токи билан таъминланиши;
- ж) аэродромнинг ишчи майдонига техник хизмат кўрсатиш;
- з) аэродромда ишларни хавфсиз олиб бориш;
- и) перрондаги фаолиятни ташкил этиш;
- к) перронда хавфсизликни таъминлаш;
- л) назорат остидаги зонада транспорт воситаларини бошқариш;
- м) аэродромда қушлар ва жониворлар томонидан яратилувчи хавф-хатарлар муносабати билан ишларни ташкил этиш;
- н) тўсиқларни назорат қилиш;
- о) техник носоз ҳаво кемаларини олиб ташлаш;
- п) хавфли материаллар билан ишлаш;
- р) чегараланган кўриниш шароитларида аэродромдан фойдаланиш;
- с) радиолокация ва навигация воситалари жойлашган ҳудудларни муҳофаза қилиш.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**416** Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
7 октябрда 622-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 17 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 декабрдаги 548-сонли «Республикада савдо тушуми инкассация қилинишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2001 йил 22 июндаги 264-сонли «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 12-сон, 79-модда) қарорларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга (1999 йил 5 февраль, рўйхат рақами 622) иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 сентябрь,
21/5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
«ТОШКЕНТ» RESPУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИНИНГ
ҚАРОРИ

417 Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга «Тошкент» Республика фонд биржасининг махсус савдо майдончаси орқали эркин алмаштириладиган валютага сотиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
7 октябрда 583-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 17 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) Қонунининг 63-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки ва «Тошкент» Республика фонд биржаси Бошқаруви томонидан 1998 йил 18 декабрдаги 321-сон билан тасдиқланган «Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга «Тошкент» Республика фонд биржасининг махсус савдо майдончаси орқали эркин алмаштириладиган валютага сотиш тартиби» (1998 йил 30 декабрь, рўйхат рақами 583) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 сентябрь,
01/23-18/15-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 сентябрь,
98-сон

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 сентябрь,
19/4-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

«Тошкент» Республика
фонд биржаси раиси

Б. ХУДОЁРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 сентябрь,
01/02-631-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БҮЙРУҒИ

418 «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳ-
номаларини бериш ва авиация ходимларининг турла-
ри» Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидаларига
(ЎР АҚ-61) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
10 октябрда 1349-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 20 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солув-
чи меъерий ҳужжатларни ИКАО стандартлари ва тавсияларини инobatга олган ҳолда
такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сонли буйруғи билан тасдиқ-
ланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва
авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидаларига
(2004 йил 7 май, рўйхат рақами 1349 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат-
лари тўплами, 2004 й., 18-сон, 212-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар кири-
тилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-
тидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат
қилиш давлат инспекцияси бошлиғи**

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 11 сентябрь,
193-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРAT» БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

419 Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
10 октябрда 1864-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 20 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисида»ги низомга асосан **буюраман:**

1. Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғи

Б. ФУЛОМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 9 сентябрь,
168-сон

«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғининг
2008 йил 9 сентябрдаги 168-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сон қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 9-сон, 105-модда) мувофиқ, электр энергиясини электр тармоқлари бўйлаб узатишда технологик сарфларни камайтириш ҳамда реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-§. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар ва атамалар қўлланилади:
актив қувват — фойдали иш бажариш учун ишлаб чиқариладиган ва истеъ-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

мол қилинадиган қувват (ўлчов бирлиги: Вт — ватт, кВт — киловатт, мВт — мегаватт);

актив юклама режими — электр қабул қилгични фақат актив қувват ва энергия истеъмол қилиб ишловчи режими;

асинхрон юритгич — роторнинг айланиш тезлиги статор майдони айланиш тезлигидан фаркланадиган машина;

асинхрон юритма — асинхрон юритгичли юритма машина сифатида фойдаланиладиган электр ускуналар мажмуаси;

истеъмолчи — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар (саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган электр энергияси истеъмолчилари) ва жисмоний шахслар;

контакт соатлар — реактив қувват манбаларини (конденсатор қурилмаларини) автоматик ростлашда қўлланиладиган иккиламчи электр соатлари;

кумулятив харажатлар — капитал қурилишга бир йўла киритиладиган капитал маблағларда (қурилиш муддати 1 йилгача бўлганда) ва доимий ҳар йиллик эксплуатация сарфларида келтирилган йиллик жамланма харажатлар;

максимал реактив қувват — узоқ вақт ўзгармайдиган реактив юклама бўлиб, у ўзининг энг оғир иссиқлик таъсирига кўра, яъни максимал ҳарорати ёки изоляциянинг иссиқлик емирилиши бўйича қутилаётган ўзгарувчан реактив юкламага эквивалентдир;

максимал юкламали соатлар — истеъмолчиларни электр таъминоти тизимидан электр энергиясининг максимал қийматини фойдаланиш вақт оралиғидаги соатлар;

— **номинал қувват** — қурилмани эксплуатация қилишда ва синашда четга оғишларни ҳисоблаш учун дастлабки қиймат деб ҳисобланувчи, электр техник қурилмани ишлаб чиқарувчи завод томонидан кўрсатилган қувват; +

носимметрик ва носинусоидал режимлар — электр тармоқларида носимметрик юкламалар мавжуд бўлганда ҳамда тармоқнинг айрим элементлари тўлиқ бўлмаган фаза режими билан ишлаганда ва фаза параметрларида фарқланишлар юзага келгандаги режимлар, шунингдек, электр тизими кучланиши ва тоқлари эгри чизигининг носинусоидал шаклга келишига сабаб бўлувчи ночизиқли юкламларнинг кам инертлиги;

реактив қувват — электромагнит майдонларни ҳосил қилиш учун ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган қувват (ўлчов бирлиги: ВАр — вар, кВтАр — киловар, мВАр — мегавар);

реактив қувват компенсацияси — электр тизимига уланган электр станциялари генераторлари томонидан ишлаб чиқарилаётган реактив қувват катталиги ва истеъмол қилинаётган реактив қувват катталиги ўртасидаги балансни таъминлиши;

реактив қувватнинг амалдаги қиймати графиги — реактив қувватнинг ўртача катталигини маълум вақт оралиғида ўзгаришини кўрсатувчи график;

реактив энергия — электромагнит майдонларини ҳосил қилиш учун ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган энергия (ўлчов бирлиги: ВАр*с — вар*соат, кВтАр*с — киловар*соат, мВАр*с — мегавар*соат);

салт юриш — электр машиналарини электр юкламасиз ишлаши;

синхрон юритгич — роторнинг айланиш тезлиги статор майдони айланиш тезлигига тенг бўлган машина;

синхрон юритма — синхрон юритгичли юритма машина сифатида фойдаланиладиган электр ускуналар мажмуаси;

электр таъминоти шартномаси — энергия таъминоти ташкилоти билан истеъмолчи ўртасида тузилган электр энергиясидан фойдаланишга оид муносабатларни белгиловчи келишув.

2. Мазкур Низом талаблари истеъмолчилар, энергия таъминоти ташкилотлари ҳамда янги, кенгайтирилаётган ва реконструкция қилинаётган корхоналарнинг электр ускуналарини лойиҳалаштирувчи ташкилотлари учун (ҳар бир киришида ҳисобланган актив қуввати 250 kW дан кам бўлган истеъмолчилар бундан мустасно) қўлла-нилади.

3. Низом 1000 V гача ва ундан юқори кучланишли саноат корхоналарининг электр тармоқларидаги компенсацияловчи қурилмаларнинг тури, қуввати, уланиш жойи ва ишлаш режимини танлаш масалаларини ўз ичига олади.

4. Реактив қувват ва энергияни компенсацияловчи қурилмаларнинг (бундан кейинги матнда компенсацияловчи қурилмалар деб юритилади) ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ ҳисоб-китоблар услугиёти асосида амалга оши-рилади.

5. Мазкур Низом электр тармоқларидаги реактив қувват ўзгарувчан токининг асосий частотасини тўғри кетма-кетлик режими учун компенсация қилиш масала-ларини қамраб олади. Мазкур Низомнинг қоидалари алоҳида ўзига хос ва линияли бўлмаган электр юкламаларига эга бўлган электр тармоқларида кузатиладиган но-симметрик ва носинусоидал режимлар ҳамда кескин ўзгарувчан юкламали электр тармоқларининг ишлаш режимига нисбатан қўлланилмайди.

6. Кумулятив (умумий) харажатларнинг миқдорини аниқлашда уларнинг ми-нимал қийматидан келиб чиққан ҳолда қўйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

қўшимча ускуналар — коммутация аппаратлари, ростлаш қурилмаларнинг ком-пенсацияловчи қурилмаларини ўрнатиш харажатлари;

ток юкламаларининг камайиши билан боғлиқ бўлган трансформатор подстан-циялари ускуналарининг қиймати ҳамда таъминловчи ва тақсимловчи тармоқ ин-шоотлари қийматининг камайиши;

таъминловчи ва тақсимловчи тармоқларда электр энергия йўқотишларини ка-майтирилиши;

энергия тизимининг энг юқори юкламасида актив қувват йўқотишларининг камайиши;

компенсация воситалари ёрдамида ток юкламаларини камайиши оқибатида таъ-минловчи ва тақсимловчи тармоқларда реактив қувват йўқотишларининг камайиши.

7. Компенсацияловчи қурилмаларни танлашга қўйиладиган техник талаблар қўйидагиларни таъминлаши лозим:

электр тармоғидаги кучланишнинг йўл қўйиладиган режими;

унинг барча элементларига йўл қўйиладиган ток юкламалари;

реактив қувват манбаларининг йўл қўйиладиган чегаралардаги ишлаш режими;

электр қабул қилгичлар ишлашининг статик ва динамик барқарорлиги.

Энг катта юкламалар режими учун мавжуд компенсацияловчи қурилмалардан фойдаланишда энергия таъминоти ташкилотининг тармоқларидан белгиланган ре-актив қувватдан фойдаланиш бўйича талабларнинг бажарилиши, реактив қувват йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда, максимал реактив юкламанинг баланс ҳисоб-китобларини тузиш йўли билан баҳоланиши лозим.

8. Истеъмолчиларнинг электр ускуналарини лозим миқдорда компенсациялов-чи қурилмаларни ўрнатмасдан энергия таъминоти ташкилотининг тармоқларига уланиш тақиқланади. Компенсацияловчи қурилмаларнинг қуввати ва миқдори электр таъминоти лойиҳаси билан аниқланади.

9. Эксплуатация қилиш жараёнида компенсацияловчи қурилмалардан тежамкорлик билан фойдаланиш учун улар генерация қилинадиган қувватни автоматик ростлаш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

10. Реактив қувват компенсациясининг мақбул даражасини таъминлаш бўйича энергия таъминоти ташкилоти ва истеъмолчиларнинг жавобгарлиги белгиланган тартибда тузилган электр таъминоти шартномаси билан белгиланади.

11. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси истеъмолчиларнинг электр ускуналарида реактив қувват компенсациясининг мақбул даражаси таъминланиши юзасидан назоратни амалга оширади.

2-§. Истеъмолчилар электр таъминоти тизимларининг компенсацияловчи қурилмаларини танлаш

12. Электр ускуналарини танлашда реактив қувват истеъмолини камайтириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар ҳисобга олинади лозим:

юкламаси асосланмаган ҳолда камайтирилган электр юритгичлари ва трансформаторларнинг танланишига йўл қўймаслик;

доимий иш режимига эга бўлган ростланмайдиган электр юритгичлар учун, техникавий ва иқтисодий шартлардан келиб чиқиб, синхрон юритгичларни танлаш;

технологик жараённинг шароитларидан келиб чиқиб уларни қўллаш имкониятидан аниқланадиган асинхрон юритгичларнинг салт юришини чеклаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш;

реактив қувватнинг истеъмол ва генерация қилинишига таъсир этиш йўли билан электр таъминоти тизимининг техник-иқтисодий кўрсаткичларининг ошишини таъминловчи бошқа техникавий воситалардан фойдаланиш.

13. Компенсацияловчи қурилмаларнинг ҳисоб-китоби, юкламанинг ўсиб бориш динамикаси ва электр тармоқларининг босқичма-босқич ривожланишини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим. Ҳар бир босқич учун компенсацияловчи қурилмаларнинг қуввати ва ўрнатиш жойи, ростлаш зарурияти ҳамда ростлаш параметрлари аниқланади.

Кумулятив харажатлар катталикларида ҳисоб-китоблар аниқлиги чегараси ва дастлабки маълумотлар бўйича вариантлар доирасида фарқланишлар бўлганда, техник кўрсаткичларининг (схеманинг истиқболли бўлиши, эксплуатация қилиш қулайлиги, материал ва ускуналарнинг сарфи) энг яхши варианты қабул қилинади.

14. Компенсацияловчи қурилмалар қувватининг ҳисоб-китоби энергия таъминоти ташкилоти томонидан берилган техник шартларга мувофиқ амалга оширилади. Ҳисоб-китоб қилишда, 0,38-6-10 kVли тармоқлардан таъминланадиган истеъмолчилардаги қувватнинг ўртача олинган коэффициентини норматив кўрсаткичларидан келиб чиққан норматив усулдан фойдаланилади.

15. Компенсацияловчи қурилмаларнинг танланиши реактив қувватнинг қуйидаги қийматлари бўйича «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан белгиланган тартибда тайёрланган, электр тармоқларида реактив қувват компенсацияси ҳисоблаб чиқилган тизимли ҳисоб-китоб маълумотлари асосида амалга оширилади:

унинг боғламаларидаги реактив қувватнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишда энергия тизимининг максимал актив юклама режимида;

энергия тизими ишлашининг мақбул режимларини ҳисоб-китоб қилишда энергия тизимининг энг кам актив юклама режимида;

энергия тизимининг авариядан кейинги ишлаш режимларига хос режимларда унинг боғламаларида кучланиш даражаларини ҳисоблаб чиқишда.

Компенсацияловчи қурилмаларни танлашда:

тармоқнинг элементларида реактив қувват йўқотишлари ва ҳаво линиялари, ток ўтказгичлари ва номинал кучланиши 10 kV дан юқори бўлган кабел линиялари, шунингдек катта (5 км.дан ортик) масофага тортилган 6 — 10 kV кабел линиялари томонидан генерация қилинадиган реактив қувватни ҳисобга олиш;

махаллий электр станцияларининг ва 6 — 10 kV ҳамда 1000 V гача кучланишли тармоқлар учун синхрон юритгичларнинг генераторларини реактив қувватидан фойдаланишнинг керакли даражасини белгилаш;

компенсация даражасини оширишда тармоқ элементларининг ўтказувчанлик қобилиятини камайтириш (трансформаторларнинг сони ва қувватини камайтириш, симлар ва кабелларнинг кесимини кичрайтириш) имкониятини аниқлаш зарур.

16. Конденсатор қурилмаларини 6 — 10 kV ва 1000 V гача бўлган кучланишли тармоқлар ўртасида тақсимлаш техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилиши лозим.

Трансформаторларининг уланган жамлама қуввати 750 kVA дан кам бўлган sanoat корхоналари учун компенсацияловчи қурилмаларнинг қуввати бевосита энергия таъминоти ташкилотлари томонидан белгилаб берилади ва электр таъминотини ҳисоблаб чиқишда мажбурий бўлиб ҳисобланади.

17. Реактив қувватнинг балансини тузишда, кучланишни статик тавсифларга мувофиқ ростланишида реактив қувват истеъмолининг ўзгаришини ҳисобга олиш лозим.

3-§. Реактив қувватни компенсациялаш ва компенсацияловчи ускуналарни эксплуатация қилиш бўйича истеъмолчилар билан ишлашни ташкил этиш

18. Электр таъминоти шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

электр тармоғининг максимал юкламали соатларида энергия тизимининг тармоқларидан бир ойда истеъмол қилинадиган реактив энергиянинг иқтисодий кўрсаткичи;

электр тармоқларининг максимал юкламали соатларида энергия тизимининг тармоқларидан истеъмол қилинган 30 дақиқали реактив қувватнинг иқтисодий кўрсаткичи.

19. Электр тармоқларининг максимал юкламали соатларидаги максимал реактив қувват бўйича ҳисоб-китоб қиладиган турли тариф гуруҳларидаги истеъмолчилар учун реактив энергия ва реактив қувватнинг иқтисодий ва техникавий кўрсаткичлари мазкур Низомнинг иловасида келтирилган формулаларга мувофиқ аниқланади.

20. Электр ускуналарини эксплуатация қилишда реактив қувват истеъмолини камайтирувчи қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши керак:

технологик жараённинг энергия тизимини энг катта актив юкламаларида реактив юклама истеъмолини камайишига олиб келувчи режимни белгилаш;

асинхрон юритгичлар, пайвандлаш трансформаторлари ва бошқа электр ускуналарнинг уларга салт юриш чеклагичларини жорий этиш йўли билан камайтириш;

агар тармоқнинг ва электр ускуналарининг ишлаш режими шароитлари бўйича йўл қўйилса, кам юкламалар даврида номинал қувватининг 30 фоизидан кам бўлмаган юкланадиган трансформаторларни алмаштириш ёки ўчириб қўйиш;

60 фоиздан кам бўлмаган юкланадиган асинхрон юритгичларни техник-иқтисодий асосланиш ва қуввати камроқ бўлган юритгичларга алмаштириш, бунда алмаштиришнинг амалий имконияти бўлиши шарт;

электр юритманинг ишлаш шартлари бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган режимдан келиб чиққан ҳолда, агар улар эскириши, технологик жараённинг ўзгариши оқибатида демонтаж қилиниши керак бўлса ёки улардан реактив юкламаларнинг сунъий компенсацияга мухтож бўлмаган бошқа қурилмаларда фойдаланиш зарур бўлса, ҳамда бундай алмаштириш техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асослаб берилганда, асинхрон юритгичларни синхрон юритгичларга алмаштириш.

Компенсацияловчи қурилмаларнинг ишлаши устидан доимий назорат таъминланиши лозим. Бунинг учун йилида камида икки марта қўйидагилар назорат қилинади:

компенсацияловчи қурилмаларнинг ихтиёридаги реактив қувват;

компенсация воситалари қувватининг автоматик бошқариш ва ростлаш қурилмаларини мавжудлиги ҳамда уларнинг ишлаши, ушбу воситаларни ўрнатиш жойларининг тўғри танланганлиги.

21. Истеъмолчи энергия таъминоти ташкилоти билан биргаликда реактив қувват ва энергиянинг қийматини ҳисоблаб чиқади ва кейинчалик бу қийматларни электр таъминоти шартномасига киритади. Мазкур Низом иловасининг 3-жадвалида истеъмол қилинган реактив қувват ва энергиянинг иқтисодий қийматларини тўлдириш шакли келтирилган.

22. Юкламалар электр таъминоти шартномасида қабул қилинган қийматларга нисбатан ўзгарганда, реактив қувват манбаларининг ишлаш режимига реактив юкламаларга белгиланган тартибда тузатишлар киритилиши лозим.

4-§. Реактив қувватни компенсация қилиш чораларининг бажарилиши устидан назорат

23. Истеъмол қилинадиган ёки электр энергияси истеъмолчилари томонидан энергия тизими тармоқларига узатиладиган реактив қувват катталигини назорат қилиш электр таъминоти шартномасига мувофиқ электр таъминоти ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

24. Назорат қилинадиган катталикларга қўйидагилар киради:

энергия тизимининг энг катта актив юкламали даврида ярим соатлик интервал давомида истеъмол қилинадиган реактив қувватнинг энг катта қиймати;

энергия тизимининг энг кичик актив юкламали даврида истеъмол қилинадиган ёки энергия тизимининг тармоқларига узатиладиган реактив қувват.

25. Энг катта ва энг кичик юкламали даврлар ҳамда компенсацияловчи қурилмаларнинг ишлаш режими энергия таъминоти ташкилоти томонидан белгилаб берилади ва электр таъминоти шартномаси билан белгиланади. Ўрнатилган қувватнинг қиймати ва компенсацияловчи қурилмаларнинг ишлаш режими белгиланган шаклдаги жадвалга (мазкур Низомга илованинг 4-жадвали) киритилади.

26. Энг катта юкламали соатларда энергия тизими тармоқларидан истеъмолчининг тармоқларига узатиладиган энг катта реактив қувватни назорат қилиш учун электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган ахборот-ўлчов тизимларидан ва 30 дақиқалик максимум юкламаларни кўрсатувчи ҳамда контакт соатларига эга бўлган махсус реактив энергия ҳисоблагичларидан фойдаланилади. Катта (кичик) юкламалар даврида энергия тизимидан истеъмол қилинадиган (энергия тизимига узатиладиган) реактив энергияни назорат қилиш учун

электрон ҳисоблагичлардан фойдаланилади. Бунда электрон ҳисоблагичлар қуйидаги катталикларни алоҳида ҳисобга олиш имконига эга бўлишлари керак:

- а) максимал юкламали соатларда реактив энергиянинг қабул қилиниши;
- б) минимал юкламали соатларда реактив энергиянинг қабул қилиниши;
- в) максимал юкламали соатларда реактив энергиянинг қайтариб берилиши;
- г) минимал юкламали соатларда реактив энергиянинг қайтариб берилиши.

30 дақиқалик максимум юкламаларни кўрсатувчи ва контакт соатларига эга бўлган махсус реактив энергия ҳисоблагичлари бўлмаган тақдирда, истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган ёки энергия тизими тармоғига узатиладиган реактив қувватни ҳисобга олиш актив энергия ҳисоблагичининг кўрсатмалари бўйича амалга оширилади. Бунда ҳисоблагичларнинг энергия тизимининг максимал юкламали соатларидаги 30 дақиқалик кўрсатмалари ва энергия тизимини энг кичик актив юкламали даврининг боши ва охиридаги кўрсатмалари ёзиб олинади.

27. Истеъмолчилар томонидан реактив қувват ва энергияни компенсация қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши юзасидан энергия таъминоти ташкилоти томонидан ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси томонидан ўтказиладиган назоратларда электр энергияси ва актив энергияни йўқотишлари қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари яқунловчи харажатлар бўйича аниқланади.

28. Реактив энергия (қувват) компенсацияси учун амалдаги тарифга чегирмалар (устамалар) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 3-4 сон, 26-модда) мувофиқ амалга оширилади.

5-§. Яқуний қоидалар

29. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси ва «Сред-азэнергосетьпроект» ОАЖ билан келишилган.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси в.б.

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 8 сентябрь*

«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси Бошқарувининг раиси

Б. ТЕШАБОЕВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 22 август*

«Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси Бошқарувининг раиси

Г. ИБРАГИМОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 3 сентябрь*

«Средаэнергопроект» ОАЖ
Бошқарувининг раиси

Д. КУЛЬБАЦКИЙ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 август

Реактив қувват компенсацияси
бўйича ишларни ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Реактив қувватни компенсацияловчи қурилмаларни ҳисоблаб чиқиш бўйича ҳисоб-китоблар МЕТОДИКАСИ

Электр станцияларида ишлаб чиқариладиган электр энергияси истеъмолчиларнинг электр тармоқларига бир вақтнинг ўзида ҳам актив ҳам реактив энергияни кўринишида узатилади. Истеъмолчиларнинг бир қисми тармоқдан соф актив қувватни истеъмол қиладилар (электр чўғланма лампалар, иситиш асбоблари, қаршилик печлари), бунда ток фазаси бўйича қўйилган кучланиш билан мос келади. Истеъмолчиларнинг занжирида индуктив қаршиликка эга бўлган бошқа қисми иш жараёнида фақатгина актив эмас, балки электр магнит майдонларини ҳосил қилиш учун реактив қувватни ҳам истеъмол қиладилар (электр юритгичлар, пайвандлаш ва куч трансформаторлари).

Электр ускуналари томонидан истеъмол қилинадиган актив электр энергияси энергиянинг бошқа турларига: механик, иссиқлик энергияси ҳамда сиқилган ҳаво ва газ энергиясига айлантирилади. Актив энергиянинг маълум фоизи йўқотишларга сарфланади.

Электр тармоғига актив-индуктив юклама уланганида I токи U кучланишидан φ оғиш бурчагига орқада қолади. Ушбу бурчакнинг косинуси ($\cos \varphi$) қувват коэффициентлари деб аталади.

Бундай юкламали электр қабул қилгичлар ҳам актив P , ҳам реактив Q қувватни истеъмол қиладилар.

$$\text{Реактив қувват} \quad tg\varphi = \frac{Q}{P}$$

Электр тармоқларида реактив тоқларнинг ўтиши линияларда, трансформаторларда, электр станцияларининг генераторларида актив қувватнинг қўшимча йўқотишларига сабаб бўлади, кучланишнинг қўшимча йўқотишлари номинал қувватнинг оширилиши ёки трансформаторлар сонининг кўпайтирилишини тақозо этади, бунинг электр таъминоти тизимининг ўтказувчанлик қобилиятини камайтиради.

$$\text{Тўлиқ қувват:} \quad S = \sqrt{P^2 + Q^2} = P / \cos \varphi ;$$

$$\text{актив қувват йўқотишлари:} \quad \Delta P = (P^2 + Q^2)R / U^2 ;$$

$$\text{қувват коэффициенти:} \quad \cos \varphi = P / S = P / \sqrt{P^2 + Q^2} ;$$

кучланиш йўқотишлари: $\Delta U = (PR + QX)/U$, бунда:

P , Q , S — тегишлича актив, реактив ва тўлиқ қувват; R ва X — тегишлича электр тармоғи элементларининг актив ва реактив қаршилиги; U — тармоқнинг кучланиши.

Саноат корхоналарида индуктив хусусиятдаги реактив қувватнинг асосий қисми асинхрон юритгичлар (умумий истеъмолнинг 60 — 65 фоизи), трансформаторлар, шу жумладан пайвандлаш трансформаторлари ҳам (20 — 25 фоиз), вентилли ўзгартиргичлар, реакторлар ва бошқа электр ускуналари томонидан истеъмол қилинади.

Саноат электр таъминоти тизимларининг лойиҳалаш босқичида ҳамда эксплуатация қилиш босқичида ҳал қилинадиган асосий масалалардан бири реактив қувватни компенсация қилиш масаласи бўлиб, у компенсацияловчи қурилмалар турининг танланиши, уларнинг қувватини ҳисоблаб чиқилиши ва ростланиши ҳамда қурилмаларни электр таъминоти схемасида жойлаштирилиши масалаларини ўз ичига олади. Бунда реактив қувватни генерация қилиш жойларидан истеъмол қилиш жойларигача узатилиши электр таъминоти тизимларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини жиддий равишда ёмонлаштиради.

Табиий компенсация ва сунъий компенсация реактив қувват истеъмолини камайтириш чоралари бўлиб ҳисобланади.

Реактив қувватнинг табиий компенсацияси катта моддий харажатларни талаб қилмайди ва корхоналарда биринчи навбатда ўтказилиши керак. Табиий компенсацияга қуйидагилар киради:

технологик жараёни тартибга солиш ва автоматлаштириш (юкламаларни фазалар бўйича бир текисда тақсимлаш, айрим цехлар ва участкаларнинг тушлик та-наффус вақтини ўзгартириш, энергияни кўп сарфлайдиган йирик электр қабул қилгичларнинг ишлашини энергия тизимининг максимум соатларидан бошқа вақтга ўтказиш ва аксинча, қуввати катта бўлган электр қабул қилгичларни энергия тизимининг максимум соатларида таъмирлашга чиқариш, бу юкламалар графигининг текисланиши ва ускуналарнинг энергетик режимини яхшиланишига олиб келади);

трансформация поғоналарини камайтириш ҳисобига электр таъминотининг оқилона схемасини яратиш;

эски конструкцияли трансформаторлар ва бошқа электр ускуналарини қайта магнитлаштиришдаги йўқотишлари кам бўлган такомиллаштирилган трансформаторларга алмаштириш;

кам юкламали трансформаторлар ва юритгичларни камроқ қувватли трансформаторлар ҳамда юритгичларга алмаштириш ҳамда уларни тўлиқ юкламада ишлашини таъминлаш;

технологик жараённинг шароитлари бўйича мумкин бўлганда асинхрон юритгичлар ўрнига синхрон юритгичларни қўллаш;

юритгич ва пайвандлаш трансформаторларининг салт юриши давомийлигини чеклаш, давомийликни қисқартириш ва йирик электр қабул қилгичларни ишга тушириш вақти бўйича кенгроқ доирага тарқатиш;


электр юритгичларнинг таъмирланиши сифатини яхшилаш, контакт уланмаларнинг ўтувчи қаршиликларини камайтириш;

кичик юклама вақтида (масалан, тунги вақтда, дам олиш ва байрам кунларида) куч трансформаторларининг бир қисмини ўчириб қўйиш.

Реактив қувватнинг сунъий компенсацияси график кўринишида 1-расмда акс эттирилган. 1-а расмда электр занжирининг схемаси тасвирланган. Компенсацияга истеъмолчи P актив қувватга, тегишлича I_a токи (1-б расмда OB кесмаси ва

тегишли I_L токи билан Q_I индуктив юкламадан реактив қувватга (BA кесмаси) эга бўлган. S_I тўлиқ қувватга I_H (OA кесмаси) вектори тўғри келади. Компенсациягача қувват коэффициенти $\cos\varphi_1$.

Компенсациянинг векторли диаграммаси 1-в расмда кўрсатилган.



Компенсациядан кейин, яъни Q_K қувватли (I_C токи) KU (конденсатор) юкламасига параллел уланганидан кейин, истеъмолчининг жамлама реактив қуввати $Q_I - Q_K$ ($\text{ток} I_L - I_C$)га тенг бўлади ва фазаларнинг силжиш бурчаги φ_1 дан φ_2 гача тегишлича камаяди, қувват коэффициенти эса $\cos\varphi_1$ дан $\cos\varphi_2$ гача катталашади. Худди шу истеъмол қилинаётган актив қувватда P (Ia) токда тўлиқ қувват S_I дан (I_H токи) S_2 гача камаяди (I_2 токи) (OA' кесмаси). Демак, компенсация натижасида симларнинг худди шу кесимида тармоқнинг актив қувватда ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мумкин.

Тармоқнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш — бу электр энергиясини узатишдаги технологик сарфларини камайтириш ва истеъмолчиларга етказиб бериладиган электр энергияси сифатини яхшилаш демакдир.

1-§. Қўлланиш соҳаси

1. Реактив қувватнинг манбалари уч турда бўлиши мумкин:
 а) электр тармоқларининг ҳаво ва кабел линиялари;
 б) электр станцияларининг генераторлари ва синхрон юритгичлар;
 в) қўшимча ўрнатиладиган компенсация қилиш воситалари (синхрон компенсаторлар, кўндаланг уланадиган конденсатор ускуналари, махсус ростланадиган вентил ускуналари ва бошқалар).

2. 1000 V гача кучланишли тармоқларда ростланадиган конденсатор батареяларини ўрнатиш жойи тармоқ кучланишининг ростланиши ёки реактив қувватнинг ростланиши талабларини ҳисобга олиб белгиланиши лозим. 6 — 10 kV цех подстанциялари томонида конденсатор батареяларини ўрнатиш тавсия қилинмайди. Нисбатан паст қувват коэффициенти эга бўлган ва бир йилдаги ишлаш соатлари кўп бўлган йирик электр қабул қилгичларда хусусий компенсация мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

2-§. Истеъмолчиларнинг электр таъминотини лойиҳалаштириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишда компенсацияловчи қурилмаларни ҳисоб-китоб қилиш ва танлаш

3. 500 kV юқори кучланишли подстанцияларнинг 6 — 10 kV шиналари учун ва генератор кучланишининг шиналари учун қувватнинг ўртача чамалаб олинган коэффициентини норматив қиймати $\text{tg}\varphi_n = 0,6$ деб белгиланиши лозим.

4. Истеъмолчи бир нечта подстанциядан таъминланганда норматив коэффициентлар ҳар бир подстанция бўйича белгиланади.

1-сонли жадвалда келтирилган қувват коэффициентининг норматив қийматлари $\text{tg}\varphi_n$ энергия тизимининг максимум юкламалари соатлари учун истеъмолчини электр тармоқлари билан 35 — 220/6 — 10 kV подстанциянинг 6 — 10 kV шиналари ўртасидаги бўлиниш нуқталарига тааллуқлидир:

1-жадвал.

Подстанциянинг юқори кучланишида 6-10 kV шиналардаги $\text{tg}\varphi_n$ қиймати, kV		
35	110	220
0,32	0,38	0,50

5. 0,38 kV тармоғидан таъминладиган истеъмолчилар учун қувват коэффициентининг норматив қиймати $\text{tg}\varphi_n = 0,25$ деб белгиланиши лозим.

6. Компенсацияловчи қурилмаларни керакли қувватини ҳисоблаб чиқишда ва уларни танлашда қувватнинг ўртача чамалаб олинган коэффициентини норматив қийматларидан келиб чиқиш лозим. Компенсацияловчи қурилмаларни керакли қуввати қуйидаги нисбат асосида аниқланади:

$$Q_{\text{кy}} = K_{\text{м}} * P_{\text{сr}} * (\text{tg}\varphi_1 - \text{tg}\varphi_n) \text{ бунда:}$$

$K_{\text{м}}$ — маълумотномадан аниқладиган максимал юклама коэффициенти

$P_{\text{сr}}$ — электр ускунаси томонидан истеъмол қилинадиган ўртача йиллик актив қувват, kW (P катталиги ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади);

$\text{tg}\varphi_1$ — фазалар силжиши бурчагининг тангенси, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланиб бир йилдаги ўртача чамалаб олинган қувват коэффициентига мувофиқ бўлади:

$$\text{tg}\varphi_1 = (W_{\text{p.r.}} - W'_{\text{p.r.}}) / W_{\text{r.}} \text{ бунда}$$

$W_{\text{p.r.}}$ — реактив энергияни синхрон юритгичларнинг ишлашини ҳисобга олманган ҳолдаги йиллик истеъмоли;

$W'_{\text{p.r.}}$ — синхрон юритгичлар томонидан, уларнинг $\text{tg}\varphi$ ($\cos\varphi$) энг қулай бўлгандаги бир йилда ишлаб чиқиладиган реактив энергияси;

$W_{\text{r.}}$ — электр энергиясининг бир йиллик истеъмоли (формулада фойдаланилган катталиклар ҳисоблаб чиқиш йўли билан аниқланади);

$\text{tg}\varphi_n$ — қувватнинг компенсациядан кейинги коэффициентига тўғри келадиган фазалар силжиши бурчаги тангенсининг норматив қиймати.

7. Компенсацияловчи қурилмалар реактив қувватни истеъмол қилувчи электр ускуналарининг бевосита ёнида жойлаштирилиши лозим.

8. 1000 V гача кучланишли тармоқларда ростланадиган конденсатор батареялари цехда гуруҳли тақсимлаш шчитлари ёнида ўрнатилиши ёки магистрал шина симларига маълум нуқталарда уланиши лозим. 1000 V гача кучланишли тақсимлаш шчитига ёки шиналар магистралнинг бош участкасига уланган подстанцияларда марказлаштирилган ўрнатиш фақат ёнғин хавфсизлиги талаблари бўйича конденсаторларни цехда ўрнатиш мумкин бўлмаганда қўлланилиши мумкин. Бунда конденсаторлар батареясининг энг самарали қуввати ҳисоблаб чиқилган бўлиши керак.

6 — 10 kV конденсаторларини 6 — 10 kV тақсимлаш ускуналарига эга бўлган цех подстанцияларида, тақсимлаш пунктларида ва истисно тариқасида МТП ёки ГППда ўрнатиш лозим. 6 — 10 kV конденсаторлар батареяларини қуввати, улар алоҳида узгич ёрдамида уланганида 400 kVAг дан кам бўлмаслиги ва конденсаторлар куч трансформатори, асинхрон юритгичи ва бошқа электр ускуналари бўлган умумий узгич орқали уланганида 100 kVAг дан кам бўлмаслиги керак. Гуруҳли шчитоклар ёнида ўрнатилган конденсатор батареяларининг қувватини 10 kVAг дан кам эмас қилиб қабул қилиниши тавсия этилади. Компенсацияловчи ускунанинг қуввати 10 000 kVAг дан кўп бўлганида энергия таъминоти ташкилотининг руҳсати билан истеъмолчида синхрон компенсатор ўрнатилишига йўл қўйилади.

9. Конденсатор батареялари хизмат кўрсатишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида махсус зарядсизлагич индуктив ва актив қаршиликлар билан таъминланган бўлиши керак. Зарядсизлагич қаршиликнинг катталиги (Ом):

$$r_{\text{разр}} = 15 * U_{\phi}^2 / Q * 10^6, \text{ бунда:}$$

U_{ϕ} — фаза кучланиши, кВ,

Q — конденсатор батареясининг қуввати, kVAг.

10. Реактив қувватни компенсациялаш воситалари (конденсатор қурилмалари) қувватининг ростланиши, фақат истеъмолчида реактив қувват ва кучланишни бир вақтда ростлаш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Реактив қувват манбалари — конденсатор қурилмаларининг қувватини ростланиши автоматлаштирилган, қўлда бошқариладиган ёки телемеханика ёки телефон алоқасидан фойдаланган ҳолда диспетчерлик бошқариладиган бўлиши мумкин. Автоматлаштирилган ростлаш кучланиш, реактив қувват, электр юкласининг токи ва берилган кучланиш ўртасидаги ц бурчаги, суткаларнинг вақти ва бир нечта омилларга қараб комбинацияланган схемалар бўйича бажарилиши мумкин.

3-§. Реактив қувватнинг иқтисодий ва техникавий қийматларини ҳисоблаб чиқиш

11. Электр тармоқларининг катта юкламали соатларида максимал электр энергияси учун ҳақ тўлайдиган I тариф гуруҳидаги истеъмолчилар учун реактив қувват $Q_{\text{э}}$ ва энергиянинг $W_{Q_{\text{э}}}$ иқтисодий ва техникавий қийматлари ҳамда II, III ва IV-тариф гуруҳларидаги истеъмолчилар учун $W_{Q_{\text{э}}}$ қийматлари i-чоракнинг ойлари учун қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{э}i} = \text{tg} \varphi_{\text{э}i} P_i = \text{tg} \varphi_{\text{э}i} P_{IV} - \text{tg} \varphi_n (P_{IV} - P_i); \quad (1)$$

$$W_{Q_{\text{э}}}^i = k_{\lambda i} \text{tg} \varphi_{\text{э}i} \frac{W_{P_i}}{3}; \quad (2) \quad \text{бунда:}$$

P_i ва P_{IV} — истеъмолчининг i ва IV-чоракларда энергия тизимини максимум юкламали соатларидаги актив юкламалари;

W_{pi} — i -чоракда актив энергия истеъмоли;

$tg\varphi_{\Delta i}$ — i -чорак учун реактив қувватнинг иқтисодий коэффиценти;

$k_{\Delta i}$ — компенсацияловчи қурилма ўрнатилганида реактив қувват графиги максимал юклама соатлари сонининг ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффицент;

$tg\varphi_{\text{нат}}$ — табиий реактив юклагама тўғри келувчи реактив қувват коэффиценти IV чоракда.

Барча формулаларда дастлабки параметрлар сифатида маълумотлар ҳамма чораклар учун маълум бўлган яқин йилдаги юкламалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари қабул қилинади.

Истеъмолчининг минимал ва максимал суткалик юкламаларининг нисбати тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда $W_{Q_3}^i$ нинг қиймати янада аниқроқ ҳисобланиши мумкин (ҳисоблаш мисоллари қуйида келтирилган).

12. $tg\varphi_{\Delta i}$ ни қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$tg\varphi_{\Delta i} = \frac{tg\varphi_{\Delta} - (1 - K_i)tg\varphi_{\text{нат}}}{K_i} \quad (3) \quad \text{бунда:}$$

$tg\varphi_{\Delta i}$ — IV чоракдаги иқтисодий коэффицентнинг қиймати;

K_i — истеъмолчининг i ва IV-чоракларда энергия тизимини максимум юкламали соатларидаги актив юкламаларини нисбати (маълумотлар бўлмаганида қуйидаги формула бўйича аниқлашга йўл қўйилади $K_i = W_{pi} / W_{pIV}$);

$tg\varphi_{\text{нат}}$ — реактив қувватнинг натурал коэффиценти, $tg\varphi_{\text{нат}}$ қиймати қишки назорат ўлчовларининг маълумотлари бўйича қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$tg\varphi_{\text{нат}} = \frac{Q_{\phi IV} + Q_K}{P_{IV}} \quad (4) \quad \text{бунда:}$$

$Q_{\phi IV}$ — энергия тизим истеъмолчисининг максимум юкламали соатларида амалдаги максимал реактив юкламаси;

Q_K — ўлчовлар вақтида тармоққа уланган компенсацияловчи қурилмаларнинг қуввати, шу жумладан 6 — 10 кV синхрон юритгичлар томонидан генерация қилинадиган реактив қувват.

Ўлчов маълумотлари бўлмаганда $tg\varphi_{\text{нат}} = 0,8$ га тенг ёки энергия тизими билан истеъмолчи ўртасида келишилган қиймат қабул қилинади.

Агар (3) формула бўйича олинган $tg\varphi_{\Delta i}$ қиймати нолдан кичкина бўлса, у нолга тенг деб қабул қилинади.

13. k_{Δ} коэффиценти қуйидаги маълумотларга мувофиқ қабул қилинади:

$tg\alpha_3$	0,05	0,10	0,15	0,20	0,25	0,30
k_{Δ}	0,50	0,52	0,54	0,56	0,58	0,60
$tg\alpha_3$	0,35	0,40	0,45	0,50	0,55	0,60
k_{Δ}	0,63	0,66	0,70	0,75	0,8	0,85

Агар $tg\varphi_{\Delta i}$ нинг қиймати юқорида келтирилган қийматларга тўғри келмаса, k_{Δ} нинг қийматини ўртача қиймат олиш асосида аниқланади.

14. Агар энергия тизимининг максимум юкламали соатлари истеъмолчининг максимум юкламали соатларига тўғри келмаса, у ҳолда (1) ва (2) формулаларда $\operatorname{tg}\varphi_{\text{э}i}$ ўрнига истеъмолчининг максимум юкламали соатларига тўғри келадиган ва қуйидаги формула бўйича аниқланадиган қийматларидан фойдаланилади:

$$\operatorname{tg}\varphi_{\text{э}.\Pi}^i = \frac{\operatorname{tg}\varphi_{\text{нам}}}{0,7 + 0,3K_{Pi}} - \frac{\operatorname{tg}\varphi_{\text{нам}} - \operatorname{tg}\varphi_{\text{э}i}}{K_{Pi}} \quad (5) \quad \text{бунда:}$$

K_{Pi} — истеъмолчининг уч ойлик максимал актив юкламасини i -чоракда энергия тизимининг максимум юкламали соатларидаги юкламасига нисбати қийматларининг ичидан энг кичиги (максимум юклама коэффициентлари).

(1) формулада P_{IV} ва P_i нинг қийматлари ўрнига истеъмолчининг максимал юкламасидан фойдаланилади:

$$P_{IV \text{ max}} = K_{PIV} P_{IV}; \quad P_{i \text{ max}} = K_{Pi} P_i \quad (6) \quad \text{бунда:}$$

K_{Pi} нинг қийматлари юкламаларни махсус ўлчовларининг натижалари бўйича ёки ўтган йилнинг назорат кунларида ўтказилган ўлчовларнинг натижалари бўйича белгиланади ва электр таъминоти шартномасида қайд этилади.

15. Мавсумий истеъмолчилар учун (октябрдан мартгача бўлган даврда ишламайдиган) $W_{Q\text{э}}^j$ нинг ойлар бўйича қийматлари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_{Q\text{э}}^j = \operatorname{tg}\varphi_{\text{э}.\Pi} W_P^j \quad (7) \quad \text{бунда:}$$

W_P^j — кўриб чиқиладиган ой учун актив энергиянинг истеъмоли;

$\operatorname{tg}\varphi_{\text{э}.\Pi}$ — норматив қиймат.

16. Электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив қувват ва энергияни истеъмолчининг ҳамда уни тизимнинг кам юкламали соатларида энергия тизимининг тармоқларига генерация қилинишини техникавий чегараларининг қийматлари қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$Q_{\Pi} = \operatorname{tg}\varphi_n P_{IV}; \quad (8)$$

$$W_{Qn} = \operatorname{tg}\varphi_n \frac{W_{PIV}}{3}; \quad (9)$$

$$Q_{\Gamma} = \operatorname{tg}\varphi_{\Gamma} P_{IV}; \quad (10)$$

$$W_{Q\Gamma} = \operatorname{tg}\varphi_{\Gamma} \frac{W_{PIV}}{3}, \quad (11) \quad \text{бунда:}$$

W_{PIV} — IV-чоракда истеъмол қилинган электр энергияси.

17. Истеъмолчининг минимал ва максимал суткалик юкламаларининг нисбати тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда $W_{Q\text{э}}$ нинг иқтисодий қийматларини ҳисоблаб чиқиш услубиёти.

Ҳисоб-китоблар учун дастлабки маълумотлар қилиб қуйидагиларнинг чораклик қийматлари олинади:

суткалик минимал реактив юкламанинг коэффициентлари

$$k_{\min Q}^i = Q_{\Pi \min}^i / Q_{\Pi \max}^i \quad (12)$$

максимал реактив юкламадан фойдаланиш соатларининг сони

$$T_{Q_i} = W_{Q_i} / Q_{\Pi \max}^i \quad (13) \quad \text{бунда:}$$

$Q_{\Pi \min}^i$ и $Q_{\Pi \max}^i$ — электр тармоқларининг минимум ва максимум юкламали соатларида истеъмолчининг ўртача юкламалари.

$Q_{\Pi \min}^i$ ва $Q_{\Pi \max}^i$ қийматларини суткалик назорат ўлчовининг маълумотлари бўйича аниқлашга йўл қўйилади.

Агар $k_{\min Q}^i$ ва T_{Q_i} қийматлари бўлмаса, улар актив юкламаларнинг $k_{\min P}^i$ ва T_{P_i} қийматларининг ўхшаш маълумотларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$k_{\min Q}^i = 0,3 + 0,7k_{\min P}^i; \quad (14)$$

$$T_{Q_i} = k_{\min Q}^i T_i + (1 - k_{\min Q}^i) T_{P_i}, \quad (15) \quad \text{бунда:}$$

+

T_i чоракдаги соатларнинг календарь сони.

$k_{\min Q}^i$ ва T_{Q_i} маълумотларидан келиб чиққан ҳолда кетма-кет қуйидагилар аниқланади:

реактив юкламанинг тўлдириш коэффициенти

$$k_{\text{с}Q}^i = T_{Q_i} / T_i; \quad (16)$$

реактив юклама графигининг шаклини тавсифловчи параметр

$$\left. \begin{aligned} k_{\text{с}Q}^i \leq 0,8 \text{ бўлганда } \lambda_i &= \frac{k_{\text{с}Q}^i - k_{\min Q}^i}{1 - k_{\text{с}Q}^i} \\ k_{\text{с}Q}^i \leq 0,8 \text{ бўлганда } \lambda_i &= 1 \end{aligned} \right\} \quad (17)$$

i -чоракда максимал реактив юкламадан фойдаланиш соатларининг сони, қуйидаги формулалардан бири бўйича иқтисодий компенсация қийматиға мувофиқ бўлади:

$$\lambda_i \leq 1 \text{ бўлганда} \quad T_{Q\text{э}}^i = \lambda_i k_{\lambda_i} T_{Q_i} \quad (18)$$

$$\lambda_i > 1 \text{ бўлганда} \quad T_{Q\text{э}}^i = \left(1 - \frac{1 - k_{\lambda_i}}{\lambda_i} \right) T_{Q_i} \quad (19)$$

i -чоракнинг j -ойида реактив энергия истеъмолининг иқтисодий қиймати

$$W_{QЭ}^i = \frac{Q_{Э} T_{QЭ}^i}{3}, \quad (20) \quad \text{бунда:}$$

$Q_{Э}$ — (1) ифода бўйича аниқланадиган қиймат.

1 ва 2-жадвалларда узатилаётган актив ва тўлиқ қувватнинг ўзгармас катталиқда реактив ва тўлиқ ҳамда реактив ва актив тоқларнинг $\cos \varphi$ га қараб нисбатлари бўйича актив энергияни истеъмол қилишдаги қайта ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган маълумотлар келтирилган.

Масалан, энергия таъминоти ташкилоти ёки «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси томонидан назорат текширувини ўтказишда $\cos \varphi$ 1дан 0.8 гача камайганлиги аниқланган бўлса, йўқотишлар $1/(0.8)^2 = 1.56$ баробар ошади, ва аксинча — улар 0.8 дан 1 гача кўтарилган бўлса, тармоқдаги қувватнинг йўқотишлари 50 фоиздан кўпроқ камаяди.

1-жадвал

Реактив ва тўлиқ тоқларнинг актив қувватни ўзгармас катталигида $\cos \varphi$ га боғлиқ ҳолда нисбатлари

Cosφ	φ	tgφ	Ўзгармас актив тоқ ва қувватда (100 фоиз)		Тоқ билан ажраладиган иссиқлик оқибатида қувват йўқотишларининг ўсиши
			тоқларнинг нисбати		
			реактив	тўлиқ	
			i sinφ	i	
актив тоқ фоизи					
1.0	-	-	0	100	1
0.95	18.20	0.33	33	105.3	1.11
0.9	25.86	0.48	48.4	111.1	1.23
0.85	31.80	0.62	61.9	117.6	1.38
0.8	36.89	0.75	75	125	1.56
0.75	41.43	0.88	88.1	133.3	1.78
0.7	45.60	1.02	102.1	142.9	2.01
0.65	49.48	1.17	116.9	153.8	2.37
0.6	53.16	1.33	133.3	166.7	2.78
0.55	56.66	1.52	151.8	181.8	3.31
0.5	60.03	1.73	173.2	200	4
0.45	63.29	1.98	198.4	222.2	4.94
0.4	66.46	2.29	229.1	250	6.25
0.35	69.55	2.68	267.6	285.7	8.16
0.3	72.58	3.18	317.9	333.3	11.11
0.25	75.56	3.87	387.3	400	16
0.2	78.50	4.90	490	500	25
0.15	81.41	6.59	659	667	44.4
0.1	84.30	9.95	995	1000	100

2-жадвал

Актив ва реактив тоқларнинг тўлиқ қувватни ўзгармас катталигида $\cos\varphi$ га боғлиқ ҳолда нисбатлари

Cos φ	φ	tg φ	Доимий тўлиқ қувватда тоқларнинг нисбати (100 фоиз)		Актив қувватнинг ўзгариши	Ток билан ажраладиган иссиқлик оқибатида қувват йўқотишларининг ўсиши
			актив	реактив		
			I cos φ	I sin φ	тўлиқ ток фоизи	
1.0	-	-	100	0	100	1
0.95	18.20	0.33	95	31.2	95	1.05
0.9	25.86	0.48	90	43.6	90	1.11
0.85	31.80	0.62	85	52.7	85	1.18
0.8	36.89	0.75	80	60	80	1.25
0.75	41.43	0.88	75	66.1	75	1.33
0.7	45.60	1.02	70	71.4	70	1.43
0.65	49.48	1.17	65	76	65	1.51
0.6	53.16	1.33	60	80	60	1.67
0.55	56.66	1.52	55	83.5	55	1.82
0.5	60.03	1.73	50	86.6	50	2
0.45	63.29	1.98	45	89.3	45	2.22
0.4	66.46	2.29	40	91.7	40	2.5
0.35	69.55	2.68	35	93.7	35	2.86
0.3	72.58	3.18	30	95.4	30	3.33
0.25	75.56	3.87	25	96.8	25	4
0.2	78.50	4.90	20	98	20	5
0.15	81.41	6.59	15	98.9	15	6.67
0.1	84.30	9.95	10	99.5	10	10

3 жадвал

«Истеъмолчи» томонидан келишилган, истеъмол қилинадиган реактив қувват ва энергиянинг иқтисодий қийматлари

Йил, Ой	Максимал юқламали соатларда энергия тизимидан бир ойда истеъмол қилинадиган реактив энергиянинг иқтисодий қиймати (кVAr*соат)	Максимал юқламали соатларда энергия тизимидан бир ойда истеъмол қилинадиган реактив қувватнинг иқтисодий қиймати (кVAr)	Энергия тизимининг максимал юқламали соатлари	Энергия тизимининг минимал юқламали соатлари
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

**Компенсацияловчи қурилмаларни ишлаш режимлари.
Компенсацияловчи қурилмаларнинг ўрнатилган қуввати**

№	Компенсацияловчи қурилманинг тури	Қувват	Уланиш вақти		Қиймати
			эрталаб	кечқурун	
1.	Конденсатор қурилмалари, кVAr 1000 V гача ва ундан юқори, шу жумладан:				
	1.1. Автоматик бошқариладиган: 1000 V гача ва ундан юқори				
	1.2. Қўлда бошқариладиган: 1000 V гача ва ундан юқори				
2.	Синхрон юритгичлар (СД), кВт				
3.	Мавжуд реактив қувват СД, кVAr (белгиланган қувватнинг 30 фоизи СД, кВт)				
4.	Жами (1 п. + 3 п.) кВАр; 1000 В гача ва ундан юқори				

-

+

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2008 йил 27 сентябрдан 10 октябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сонли қарори. 2008 йил 27 сентябрда 1863-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 7 октябрдан кучга киради).*

2. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари (ЎЗР АҚ-160)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 3 сентябрдаги 188-сонли буйруғи 2008 йил 7 октябрда 1734-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 октябрдан кучга киради).*

3. «Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 20 сентябрдаги 21/5-сонли қарори. 2008 йил 7 октябрда 622-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 октябрдан кучга киради).*

4. «Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга «Тошкент» Республика фонд биржасининг махсус савдо майдончаси орқали эркин алмаштириладиган валютага сотиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, «Тошкент» Республика фонд биржасининг 2008 йил 25 сентябрдаги 01/23-18/15, 98, 19/4, 01/02-631-сонли қарори. 2008 йил 7 октябрда 583-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 октябрдан кучга киради).*

5. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» *Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 11 сентябрдаги 193-сонли буйруғи.*

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

2008 йил 10 октябрда 1349-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 октябрдан кучга киради).

6. «Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг 2008 йил 9 сентябрдаги 168-сонли буйруғи.*

2008 йил 10 октябрда 1864-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 20 октябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда миқозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1145, 2002 йил 30 май).*

Адлия вазирининг 2008 йил 27 сентябрдаги 206-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини хорижий инвесторларга «Тошкент» Республика фонд биржасининг махсус савдо майдончаси орқали эркин алмаштириладиган валютага сотиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, «Тошкент» Республика фонд биржаси Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 583, 1998 йил 30 декабрь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 7 октябрдаги 209-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Автомобилларга газ қуйиш станцияларидан (АГҚС) техник ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари. *«Ўздавнефтгазинспекция» ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

Тузатиш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 2008 йил, 39-сонли 10-бетидаги (392-модда) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 сентябрдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-183-сонли Қонунининг 1-моддаси 9-банди олтинчи хатбошисидаги «бешинчи қисми» сўзлари «тўртинчи қисми» деб ўқилсин.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlани;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг